

Боқий фикр

Дунёда Ватан сўзидан азиз ва юракка яқин калом топилмагани каби, Ватан ҳимоячиси бўлишдан ортиқ шон-шараф ҳам йўқдир.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 14-yanvar, shanba № 4 (8445)

ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Сизларни, ўз ҳаётини она Ватанни ҳимоя қилишдек муқаддас ва олижаноб вазифага бағишлаган барча юртдошларимизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 20 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кuni билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният етказди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир бўлган, замонавий, ҳаракатчан, ҳар томонлама яхши қуролланган армияни ташкил этиш бўйича ўзининг кўлами ва миқёсига кўра улкан ишлар тизимли ва босқичма-босқич равишда амалга оширилмоқда.

Замонавий талабларни, юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Қуролли Кучларнинг ташкилий-штат тузилиши принципларини жиҳатдан ўзгартирилди, тезкор-стратегик бошқарув, оператив тайёргарлик ва кўшинларни жанговар қўллашнинг ҳақиқий марказига айланган Бир-

лашган штаб бошчилигида кўшин турларини самарали бошқариш тизими яратилди.

Ҳарбий округлар тузилди, Давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлашнинг замонавий талабларга жавоб берадиган тизими шакллантирилди, ҳарбий операциялар амалга ошириладиган энг муҳим йўналишларда ҳаракатчан, яхши таъминланган бўлимлар, биринчи навбатда, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва одамларимизнинг тинч-осойишта ҳаётини бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз кучларнинг таъжовузор хатти-ҳаракатларига қатъий зарба беришга қодир бўлган Махсус операцияларни амалга оширадиган кучлар, Террорчиликка қарши курашиш корпуси батальонлари тузилди.

Умумқўшин бригадалари бўлимлари таркибига вертолёт техникасининг берилиши уларнинг жанговар имконияти ва қудрати, ҳаракатчанлиги, шиддатли равишда кечадиган тезкор операцияларни бажариш қобилиятини сезиларли равишда оширди.

Айни пайтда миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш соҳасида кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Армиямизнинг сержантлар таркибини, шунингдек, стратегик фик-

рлайдиган, интеллектуал савияси етук офицер кадрлар ва кўмондонлик таркибини тайёрлаш жараёни принциплар жиҳатдан янгича ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Муддатли ҳарбий хизмат бир йил этиб белгиланди. Чақирувнинг ўзи эса бир йилда бир марта амалга оширилмоқда. Сафарбарлик-чақирув резерв хизмати жорий этилди. Бугунги кунда Қуролли Кучларимиздаги ҳарбий хизматчиларнинг ярмидан кўпини шартнома асосида хизматга чақирилган аскар ва сержантлар ташкил этмоқда. Буларнинг барчаси армиямизнинг қиёфаси ва жанговар имкониятларини, ҳарбий жамолардаги маънавий-ахлоқий муҳитни тубдан ўзгартириш имконини берди.

Биз ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни мустаҳкамлаш, улар учун зарур уй-жой ва маиший шaroитларни яратишга муҳим аҳамият бериб келмоқдамиз. Фақат кейинги беш йилда барча тоифадаги ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маоши ўртача уч қарра ошгани, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маошлари ва ҳарбий хизматдан бўшаганда тўланадиган ёрдам пули миқ-

дори эса саккиз баробар ўсгани ҳам шундан далolat беради.

Амалга оширилган ана шундай кенг кўламли ишларимиз яқунларини баҳолаётган эканмиз, армиямиз ҳозирги кунда нафақат Ватанимиз чегараларини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилмоқда, айни вақтда мустаҳкам ирода ва характер, мустақил фикрлаш қобилияти шаклланадиган, жисмоний чиниқиш ва юксак инсоний фазилатлар камол топадиган ҳақиқий профессионал малака ошириш мактабига айланмоқда, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Бир сўз билан айтганда, армия хизмати том навода мардлик ва матонат фазилатларини тарбиялаш, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш мактабига айланмоқда.

Қадрли дўстлар!
Ҳозирги босқичда Қуролли Кучларимизни ислоҳ этиш ва унинг жанговар тайёргарлигини оширишнинг аҳамияти энг аввало дунё шиддат билан ўзгараётган, Яқин Шарқ ва Форс кўрфазини атрофидаги вазият тобора кескинлашаётган бир шарoитда қарама-қаршилиқ, хавфсизликка турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётганини ҳисобга олганда, минтақада юзага келаётган мураккаб вазият билан белгиланади.

(Давоми 2-бетда.)

МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МУСТАҲҚАМ ҚАЛҚОНИ

“Туркистон” саройида Ватан ҳимоячилари кuni ва Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди

Тинчлик — энг буюк неъмат. Барқарор, тинч ва осуда ҳаёт мамлакатимиз тарақиёти, халқимиз фаровонлигининг бош омили бўлиб хизмат қилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ташкил этилган миллий армиямиз бу улуғ неъматнинг ишончли ҳимоячиси, элу юртимиз тинчлиги ва хавфсизлигининг мустаҳкам қалқонидир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 28 октябрдаги фармойиши асосида мамлакатимизда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кuni ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг йигирма йиллик байрамини кенг нишонлашга пухта тайёргарлик қўрилди.

“Туркистон” саройида 13 январь кuni ушбу байрамга бағишланган тантанали йи-



гилиш бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга аскар ва сержантлар, офицерлар, генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, ота-оналар

ва жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Тадбирни Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Р.Усмонов очди.

ларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Қ.Бердиев ўқиб эшиттирди.

(Давоми 3-бетда.)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

2 бет

МОДДИЙ РАҒБАТ

унинг миқдорини ўқитувчининг таълим-тарбия борасида эришган натижалари белгилайди

5 бет

«ОТАМ КАСБИНИ ДАВОМ ЭТТИРАМАН»

8 бет

ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Марказий Осиё минтақаси ўзининг геосиёсий ва геостратегик аҳамияти, улкан минерал-хомашё ресурсларига эга экани туфайли кейинги йилларда йирик давлатларнинг доимий диққат марказидаги объектга, уларнинг стратегик манфаатлари тўқнашадиган ҳудудга айланмоқда, шу билан бирга, ўттиз йилдан зиёд вақт мобайнида уруш давом этаётган Афғонистондаги кескинлик ва қарама-қаршилиқнинг ҳали-бери сақланиб келаётган таъсири остида қолмоқда.

Америка контингенти ва хавфсизликка қўмақлашадиган халқро кучларнинг 2014 йилда Афғонистондан олиб чиқиш кетилишининг эълон қилиниши ва келгусида бу қарорнинг амалга оширилиши террорчилик ва экстремистик фаолиятнинг кенгайиш хавфининг кучайишига, мазкур улкан минтақада кескинлик ва қарама-қаршилиқнинг ортишига, бу ерда доимий беқарорлик манбаи яратилишига олиб келиши мумкин.

Минтақада жойлашган айрим мамлакатлардаги ижтимоий норозилиқнинг кучайиши, экстремистик кучларнинг сафига янги-янги аъзоларни жалб этиши учун қулай замин туғдираётган, ёмонлашиб бораётган ижтимоий-иқтисодий вазият минтақавий барқарорлик ва хавфсизликка қарши жиддий таҳдид бўлиб қолмоқда.

Шу борада ихчам, ҳаракатчан қисм ва бўлинмалардан фойдаланган ҳолда, қўқисдан, шиддатли ва тез амалга оширилиши билан ажралаб турадиган замонавий жанговар операцияларни ўтказиш шарт-шароити ва характери тубдан ўзгарганини доимо назарда тутиш лозим.

Бугунги кундаги ҳарбий можаро ва маҳаллий урушлардаги жанговар операцияларнинг тахлили шундан далolat бермоқдаки, мах-

сус вазибаларни бажарадиган принципиал жиҳатдан янги жанговар тизимларни, бир-бири билан бевосита жангга кирмасдан ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш шакллари ва энг янги ахборот технологияларини, замонавий, юқори даражадаги аниқлик билан зарба берадиган қурол-яроғ турларини қўллаган ҳолда уруш олиб бориш усуллари-дан тобора кенг фойдаланилмоқда.

Лўнда қилиб айтганда, Марказий Осиё ва дунёда вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, ҳарбий-сиёсий вазият-ни баҳолаш минтақадаги тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётга нисбатан таҳдидларнинг кучайиш тенденцияси тобора ортиб бораётганини кўрсатмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг бутун мудофаа ва хавфсизлиқни таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини юксалтириш бўйича олдиндан ишлаб чиқилган тизимли чоратадбирларни амалга ошириши, Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва ҳарбий тайёргарлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш борасидаги ишларни изчил давом эттириши тақозо этмоқда.

Бугунги вужудга келган шароитда Мудофаа вазирлиги, Қуролли Кучларнинг Бирлашган штаби, ҳарбий округ ва қўшин турлари қўмондонлари, бригада командирлари, бутун офицерлар корпуси Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондонининг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан қабул қилинган Директивасида баён этилган устувор мақсад ва йўналишларни амалга оширишни ўзининг энг муҳим вазифаси деб ҳисобласин.

Бу борада минтақамизда юз бериши мумкин бўлган жанговар ҳаракатлар театри шароитида тажриба тўплаш-

ни янада ошириш, замонавий ҳарбий операциялар ўтказишнинг асосий тамойил ва усуллари оид билимларни такомиллаштириш ва чуқурлаштириш, қўшинларда фавқуллода мураккаб ва кескин шароитларда вазиятни тез ва тўғри баҳолай олиш ва қарор қабул қилиш қобилиятини тарбиялаш, замонавий жанговар операцияларда замонавий ва юқори даражадаги аниқлик билан зарба берадиган қурол-яроғларни қўллаш асосларини пухта эгаллашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Қуролли Кучлар ва ҳарбий округлар қўмондонлиги томонидан замонавий ҳарбий ҳаракатлар театри шароитида жанговар операцияларни ўтказишнинг турли моделларини ўзлаштиришнинг мактабига айланган лозим бўлган қўмондонлик-штаб ва тактик ўқув машқларини режалаштириш, ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича ишлар самарадорлигини оширишга ўта жиддий эътибор қаратиш талаб этилади.

Қисм ва бўлинмаларни замонавий қурол-яроғ ҳамда техника ва уларнинг фаолиятини таъминлайдиган воситалар билан қайта жиҳозлаш, мавжуд қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникани жангга шай ҳолатда тутиш ва модернизация қилиш учун зарур бўлган қудратли таъмирлаш базасини яратиш масалалари бундан буён ҳам эътиборимиз марказида туриши даркор.

Қўмондонлик ва сержантлар таркиби кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими тубдан яхшилашни талаб этмоқда. **Ҳарбий таълим ва жанговар тайёргарликни янги сифат bosqichiga кўтариш Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини оширишнинг энг муҳим шартидир.**

Сержантлар ўртасида командирлик ва етакчилик фаилатларини янада ривожлантириш, улар томонидан жанговар тайёргарлик-

ни ташкил этишнинг энг янги шакллари, усул ва услубларининг ўзлаштирилиши, шахсий таркибнинг уларга ишониб топширилган замонавий қуроллар ва ҳарбий техникани мохирлик билан ишлатиши, шунингдек, **бошланғич бўлинмаларда маънавий-ахлоқий муҳит ва тартиб-интизомий яхшилашда сержантларнинг ролини кучайтириш** борасидаги ишларни давом эттириш зарур. **Бунинг учун ўзаро мусобақа муҳити, моддий ва маънавий рағбатлантириш шароитини яратиш керак.**

Қуролли Кучларнинг ҳаракатчанлиги ва жанговар қобилиятини ошириш мақсадида жанговар взводларнинг юсак тайёргарлик даражасини таъминлаш мунинг вазифа бўлиб қолиши зарур. **Бу вазифани амалга ошириш ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос хусусиятлари, ҳарбий операцияларни ўтказиш тактикаси ўзгарган шароитда взводларнинг тобора ортиб бораётган роли ва аҳамиятини белгилаб беришга қаратилган дастур, низом ва режалар, бир сўз билан айтганда, барча асосий ҳужжат ва қоидаларни қайта кўриб чиқишни талаб этади.**

Взвод олдида қўйилаётган вазибаларнинг мураккаблашуви ва кенгайиши, унинг роли кескин кучайиши билан **взвод командирларига ва уларнинг профессионал тайёргарлигига нисбатан талаблар ҳам ошиб бормоқда.** Бугунги кунда взвод командири ҳар томонлама кенг билим ва юсак профессионал маҳоратга эга офицер бўлиши, **фавқуллода ва кескин шароитларда ўзи мустақил равишда ностандарт қарорлар қабул қила олиши, ўзига бўйсунадиган бўлинмаларни жангга ҳам, кундалик фаолиятда ҳам мохирлик**

билан бошқара олиши даркор.

Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, оддий аскар, сержант ва офицерлар таркибининг ижтимоий-маиший, яшаш ва хизмат шароитларини яхшилашга қаратилган давлат дастурларимизнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлиб қолиши керак.

Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига алоҳида аҳамиятга молик вазифа сифатида қараш зарур. Нега деганда, бугунги замонда фақат ижтимоий жиҳатдан яхши таъминланган ҳарбий хизматчилар, шу билан бирга, пухта тайёргарликка эга бўлган, кучли, ҳар томонлама таъминланган Қуролли Кучларгина давлатимиз хавфсизлигини таъминлашга қодир бўлади.

Ҳурматли ватандошлар! Мана шу кутлуг айёмда сизларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 20 йиллиги билан табриклар эканман, Қуролли Кучларимиз сафарларида бугун жасорат ва матонат намунасини кўрсатиб хизмат қилаётган, машаққатли меҳнатни, керак бўлган пайтда эса ўзининг ҳаётини ҳам бағишлаб Ватан ҳимояси йўлидаги шарафли бурчини адо этаётган барча ҳарбий хизматчиларга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Сизларнинг оила аъзоларингиз ва яқинларингизга ўзимнинг самимий ҳурмат ва эҳтиромини изҳор этаман. Меҳрибон ота-оналарингиз, умр йўлдошларингиз, ўғил-қизларингиз она юртимиз равнақи учун муносиб, жанговар хизмат қилаётган ўз фарзандлари, турмуш ўртоқлари ва оталари билан ҳар қанча фахрлана арайди, албатта.

Янги 2012 йилда барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт ва омад ёр бўлсин!

Ислом ҚАРИМОВ,

**Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондон**

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кун" муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқуллода вазиятлар вазириликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонида биноан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқуллода вазиятлар вазириликлари ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юсак фахрий ўнвон, орден ва медаллари билан тақдирландилар.

Мукофотланганлар орасида давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизлиқни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол гоёси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳисса ва ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштирок этаётган ҳарбий таълим тизими ходимлари ҳам бор. Уларни муқоробод этамиз.

Мамлакатимиз сарҳадлари дахл-сизлигини ва миллий хавфсизлик-ни таъминлаш, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, тинчликни, барқарорлик ва жамоат тартибини

мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидаги мукофотландилар:

"Фидокорона хизматлари учун" ордени билан

Ильясов Илимдар Мамутович — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси бошлиғининг ўринбосари

"Меҳнат шухрати" ордени билан

Аббасов Равшан Кодирович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик Сержантлар тайёрлаш мактаби цикли бошлиғи

Кульмуратов Тагир Файзуллаевич — Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти кафедра мудири

"Дўстлик" ордени билан

Негриенко Александр Яковлевич — Ўзбекистон Республикаси Қуролли

Кучлари Академияси бўлим бошлиғининг катта ёрдамчиси

"Содиқ хизматлари учун" медали билан

Жуманазаров Давронбек Рахимбоевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилик Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти батальон командири

"Шухрат" медали билан

Акимбаев Абдуғапар — Янгийўл шаҳар мудофаага қўмақлашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти автомобил мактабининг катта устаси

Мирзаев Фозил Расулович — Қарши шаҳар мудофаага қўмақлашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти автомобиль мактабининг ўқитувчиси

МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Халқимиз учун тинч ва осуда ҳаётни таъминлаш мустақилликнинг дастлабки кунларидан давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди. Собиқ иттифоқнинг таъсири пасаймаган, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий қийинчиликлар авжга чиққан оғир бир шароитда мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Ватанимиз хавфсизлигини таъминлаш йўлида дадил қадам қўйилди: 1991 йил 6 сентябрь кuni Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигини тузиш тўғрисидаги фармони эълон қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси, қатъияти ва жасорати билан 1992 йил 14 январдан мамлакатимиз ҳудудида жойлашган барча ҳарбий тузилмалар Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига ўтказилди. Уша кундан эътиборан миллий армиямизга асос солинди.

Ана шу тарихий кун — 14 январь мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари кuni сифатида кенг нишонлаб келинмоқда.

Миллий армиямизни ислоҳ қилишнинг самарали дастури ҳаётга изчил табиқ этилмоқда. Утган йилгирма йил давомида мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир, тезкор, замонавий курол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган Куролли Кучларимиз шаклланди. Мазкур дастурга мувофиқ, Мудофаа вазирлигининг бўлими ва қисмларини, чегара қўшинларини, бошқа вазирлик ва идораларнинг ҳарбий тузилмаларини ягона қудратли тизимга бириштирган Куролли Кучларимиз қисмларининг таркиби ва жойлашуви қайта кўриб чиқилди.

Ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг нуфузи тўбора юксалмоқда. Миллий армиямизда Ватанига содиқ, юксак билим ва маҳоратга, маънавий-ахлоқий тарбияга эга йилгитлар хизмат қилмоқда. Ватан ҳимоячилари халқимиз ва давлатимизнинг доимий эътиборида.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Куролли Кучларимиз мамлакатимиз суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилиши қайд этилган. "Мудофаа тўғрисида"ги ва "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонулар миллий армиямиз ташкилий асосларини ўзида муҳассас этган.

Утган йилларда Куролли Кучларни



ташkil этиш ҳамда бошқаришнинг мулақо янги тизими шакллантирилди. Миллий армиямиз сафларини тўлдирish ва фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизими бугунги кун талаблари асосида такомиллаштирилди. Муаддатли ҳарбий хизмат бир йилгача қисқартирилгани, сафарбарлик-чақирув резерв хизмати жорий этилгани илҳам, замонавий ва профессионал асосдаги армияни шакллантириш имконини берди.

Миллий армиямизни профессионал кадрлар билан тўлдирish, ҳарбий хизматчиларнинг ҳар томонлама тайёргарлигини, билим ва кўникмаларини ошириш, маънавий-ахлоқий савиясини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Замонавий ўқув базаси билан таъминланган сержантлар тайёрлаш мактаблари ташkil этилди. Олий ҳарбий билим юртларида ҳарбий ўқув ҳамда тайёргарлик илм-фан ва техниканинг илгор ютуқлари асосида олиб берилмоқда. Таълимнинг ахборот-компьютер технологияларига асосланган замонавий шакл ва услублари кенг жорий этилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармон ва қарорларига мувофиқ ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлик дастурлари изчил амалга оширилмоқда. Ёшларимиз ҳарбий ихтисосликларни чуқур ўзлаштириб, юқори касб маҳоратига ва тайёргарликка эга бўлиши учун бича шарт-шароитлар яратилди.

Ҳарбий хизматни ўташ шароитини

яхшилаш ҳамда Ватан ҳимоячиларига ҳар томонлама гамхўрлик кўрсатиш борасидаги ишлар кўлами тўбора кенгаймоқда. Ватан ҳимоячиларини уй-жой билан таъминлаш, ҳарбий шахарчаларни қуриш ва реконструкция қилиш, ҳарбийларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш давлатимизнинг доимий эътиборида.

Бугун Куролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш йилгитларимиз учун эзгу орзу, том маънодаги шон-шараф ишига айланди. Ҳарбий хизматда ҳар томонлама чиниққан, жисмонан бақувват, билимли ва юксак маънавиятли ёшлар саралаб қабул қилинмоқда. Ҳарбий хизмат давомида ёшларимиз жисмонан ва маънан чиниқиб билан бирга, уларнинг қалби ва онгида ватанпарварлик, фидоийлик, Ватани ва халқига садоқат каби фазилатлар мустаҳкамланаётир.

Муддатли ҳарбий хизмат давомида юксак натижаларни кўлга киритган йилгитларга олий ўқув юртларига ўқишга имтиёзли кириш учун тавсияномалар берилмоқда. Бу минглаб ёшларимиз ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топишда, касб-хунар эгаси, ватанпарвар, фидоий инсонлар сифатида камолга етишида муҳим омил бўлмоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 31 октябрдаги фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари 20 йил" эсдалик нишонини таъ-

сис этилди. Байрам арафасида давлатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва Куролли Кучларни барпо этишда салмоқли ҳисса қўшган кўплаб ҳарбий хизматчилар ушбу эсдалик нишонини билан тақдирланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 13 январдаги фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг 20 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кuni муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Йилгилишда уларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

Ўзбекистон Куролли Кучларида аънага айланган уч босқичли танловга асосан, 2011 йилдаги энг илгор баътаълон, взвод, гуруҳ командирлари ва энг илгор сержант аниқланди. Тадбирда ана шу танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Энг илгор ҳарбий қисм, сержантлар тайёрлаш мактаби, олий ҳарбий билим юрти, мудофаа ишлари бошқармаси ҳам мукофотланди.

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид ҳарбийларни Ватан ҳимоячилари кuni билан табриқлаб, янги шеърларидан ўқиб берди.

Йилгилишда сўзга чиққан "Содиқ хизматлари учун" медали соҳиби подполковник Одижон Жураев, "Жасорат" медали соҳиби чиник сержант Божикон Файзуллаев, аскар оқиби Нигора Тожибоева ва бошқалар Президентимиз, Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Ислам Каримовга ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларига кўрсатаётган алоҳида эътибори ва гамхўрлиги учун самимий миннатдорлик билдирдилар.

Ватан ҳимоячилари кuni ва Ўзбекистон Куролли Кучларининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросим катта байрам концерти билан якунланди.

Йилгилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Хусниддин БЕРДИЕВ,
ЎЗА мухбири

Сарвар ўРМОНОВ,
Аъло АБДУЛЛАЕВ
(Ўза) олган суратлар.

КИТОБ БЕРАЁТГАН САБОҚ

Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби юртдошларимиз, айниқса ёшларимизнинг мамлакатимиз истиқлол тарихини ўрганиш ва англашида бекиёс аҳамият касб этмоқда.

ликаси Халқ таълими вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилди. Ушбу дастур халқ таълими тизимининг барча таълими муассасалари ходимлари учун 4 соатлик, педагог ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курслари тингловчилари учун 6 соат ҳажмидаги ўқув курсларини ташkil этишга мўлжалланган.

— «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби халқимиз, айниқса, навқирон авлоднинг истиқлолнинг қандай машаққатлар, оғир синовлар эвазига қўлга киритилганини, сўнги йилгирма йил мобайнида эришган ютуқ ва марраларимизнинг аҳамияти ва моҳиятини, кўламини янада теран англашида гоят муҳим тарихий ва

қимматли манбадир, — дейди малака ошириш курси тингловчиси, Зарафшон шахридаги 1-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби директори Дилбар Тўхтаева. — Мазкур асар жаҳонда тараққиётнинг "Ўзбек модели" сифатида ном олган ривожланиш йўлимиизнинг асосий тамойиллари шиддатли курашлар, тинимсиз баҳс-мунозаралар, аччиқ ҳаётий тажрибалар маҳсули эканини ўқувчилар онгу шуурига сингдирилди алоҳида аҳамият касб этади. Энг муҳими, семинарда ўқув курсларини олиб бориш учун ўқитувчиларнинг малака ва маҳоратини ошириш, илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, машғулотларнинг муайян қисмини мустақиллик

йилларида барпо этилган иншоотлар, муаззам майдонлар, музейларда очик дарс сифатида ўтиш масалалари юзасидан тавсиялар олдик.

Айни пайтда «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби моҳиятини умумий ўрта таълим мактабларининг 7, 8, 9-синфларида ҳам «Миллий истиқлол гояси ва маънавият асослари» ўқув фанлари доирасида ўргатиш бошланди. Чунончи, қишки таътилдан қайтган пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 169-умумтаълим мактаби 9-«В» синф ўқувчилари ўқишларининг илк кунини китобни ўрганиш бўйича тузилган дастурга асосан ташkil этилган дарсдан бошладилар. Унда Президентимиз асари асосида суратга олинган «Мустақиллик

арафасида ёҳуд шўроларнинг сўнги талвасаси» ҳужжатли фильми намойиш этилди. Шундан сўнгу тарих фани ўқитувчиси Наргиза Зоинова китобнинг кириш қисми асосида ўқувчиларга дастлабки тушунчаларни берди.

— Бугун яна бир бор ушбу ҳужжатли фильмини томоша қилиш ҳамда устозимизнинг машғулот давомида берган маълумотлари асосида халқимиз мустақилликни осонликка қўлга киритмаганини янада чуқурроқ англаб етдик, — дейди 9-«В» синф ўқувчиси Иброҳим Ботиров. — Бунинг учун қанча заҳматлар чекилгани, мана шундай ёруғ ва шинам хоналарда билим олишимиз учун не-не машаққатли йўллар босиб ўтилганига ушбу дарс орқали гувоҳ бўлмоқдамиз. Шундай экан, биз ёшлар яратилган барча шароитларнинг қадрига етишимиз, келгусида малакали кадрларга айланиб юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшимиз лозим.

Аброр УМАРКУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида ушбу китобни умумтаълим масканларида ўқитиш масалаларига бағишланган ўқув-семинар ташkil этилди. Ўқув-семинарда маънавият тарғиботчилари, олимлар, институт ўқитувчилари 450дан ортик малака оширишга келган умумтаълим мактаблари раҳбар ходимларига бу борадаги илмий мулоҳаза ва тавсияларини ўз маърузалари ёрдамида етказишди.

Айтиш ўринлики, 2011-2012 ўқув йилининг иккинчи ярмидан бошлаб ўн мингга яқин умумтаълим мактабининг 9-синфларида «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобини ўрганиш бўйича 12 соатлик факультатив курснинг ўқув дастури, бу борада китобни фанлар таркибига уйғун ҳолда ўрганиш бўйича тавсиялар, мавзулар юзасидан тезис, намунавий дарс ишланмаси яратилди ҳамда Ўзбекистон Респуб-



❖ **Ўзбекистон Республикаси Олий судида 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллигига бағишлаб тадбир ташкил этилди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида шакллантирилган миллий армиямиз бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизнинг ишончли қалқонига айланганини таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, муҳофаза ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини муҳофотлаш тўғрисида"ги фармонига биноан тақдирланганлар орасида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьялари ҳам бор.

Соҳа ходимларидан бир гуруҳига Президентимизнинг 2011 йил 31 октябрдаги фармонида биноан таъсис этилган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил» эсдалик нишонлари топширилди.

Ҳудди шундай тадбир Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида ҳам бўлиб ўтиб, унда соҳа ходимларидан бир гуруҳига «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил» эсдалик нишонлари топширилди.

Саъяткорларнинг концерти тадбирлардаги байрамона руҳни янада оширди.

❖ **Тошкент вилояти педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллигига бағишланган маърифий тадбир бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда маънавият тарғиботчилари, ҳарбийлар, ўқитувчилар, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан Халқ таълими вазирлиги тизимидаги ўқув масканларида «Мамлакатимиз Қуролли Кучлари – тинч ва оқсоқил ҳаётимизнинг мустаҳкам қафолати» мавзусида ижтимоий-сиёсий билимлар кунлари, анжуманлар, учрашувлар, мулоқотлар ўтказилмоқда. Тадбирларни ўқувчилар ёши ва дунёқарашига мос, ҳаётий мисоллар воситасида ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбирда ҳарбий-ватанпарварликка доир ўқув-тарбиявий ишларни давр талаби асосида тақомиллаштириш масалалари хусусида фикр алмашилди. Ўқувчи-ёшлар томонидан тайёрланган бадий-муסיқий дастур намойиш этилди.

❖ **Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарорда белгиланган вазифалар ижросига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан ташкил этилган тадбирда мазкур ассоциация таркибига кирувчи нодавлат телерадиостанцияларнинг раҳбарлари ва бош муҳаррирлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар янги қарорда белгиланган оммавий ахборот воситалари тахририятлари ва нашриётлар ижтимоий-сиёсий ҳамда болалар адабиётини, имкониятлари чекланган шахслар учун адабиётларни сотишдан олинган фойдадан фойда солиғини ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан 5 йил муддатга озод этилишига оид жиҳатларга алоҳида тўхталди.

Давра суҳбати иштирокчилари тақдим этиладиган бу каби имтиёз ва афзалликлар, шубҳасиз, ахборот бозорини янада тақомиллаштириш, оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантиришда муҳим омил бўлишини таъкидлади.

❖ **Чуст шаҳрида "Chust-Avtotexizmat-N" масъулияти чекланган жамиятининг автомобилларга техник хизмат кўрсатиш сервис маркази ишга туширилди.**

Фарғона водийсини пойтахтимиз билан боғлайдиган катта магистрал йўл бўйида ҳад ростлаган мазкур автосервисни барпо этиш ва техник ускуналар билан жиҳозлаш учун "Асакабанк"нинг 2 миллиард сўмга яқин кредит маблағи йўналтирилди. Корхонага хориждан энг сўнгги русумдаги техник ускуналар келтириб ўрнатилди.

Корхона ишга туширилиши билан касб-ҳунар коллежларини битирган 70 нафар ёш мутахассис иш билан таъминланди.

Аҳоли бандлигини, айниқса, касб-ҳунар коллежларини битираётган мутахассисларни эгаллаган ихтисосликлари бўйича иш билан таъминлаш борасида қўриётган чора-тадбирлар натижасида Чуст саннат, транспорт ва алоқа ҳамда қишлоқ хўжалиги ва иқтисод коллежлари билан уч томонлама шартномалар тузилди. Унга қўра, ҳар икки коллежнинг юз нафар ўқувчиси ўқув амалиётини шу ерда ўтқайди. Корхонада ўқув амалиётини ўташга келган ўқувчилар учун махсус синф хонаси ҳам ташкил этилган.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУД

нафақат мутахассисларни, балки кенг жамоатчиликни қизиқтирмоқда

Сервиқор тоғларни, шарқираб оқётган сувларни, кўкда учиб юрган бургутни, ложувард осмонни, ямшил ва бепойн кенгликларни кўрганда, қай биримиз кўксимизни тўлдириб, она табиат фарзанди эканлигимиздан гурурланмаймиз? Аммо, атрофимиздаги олам, унда макон топган жонзотлар, ўсимликларнинг гаройиб ва сирли дунёси бугунги кунга келиб инсониятга нажот кўзини тикканлиги барчага маълум.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг кўриқхоналари, миллий-табиий боғлар ва овчилик хўжалиги бошқармасининг анжуманлар залига тўпланган мутахассисларни, оммавий ахборот воситалари вакилларини ҳам ана шу долзарб масала қизиқтириши, табиий. Давра суҳбатининг «11 январь — кўриқхоналар ва миллий боғлар куни» муносабати билан ўтказилиши айни мuddаодир.

Тадбир ташкилотчилари Ўзбекистоннинг табиий бойликларини ранг-баранг эканлигини, ундан асрлар мобайнида ота-боболаримиз ўринли ва унумли фойдаланиб келишганини, бугунги кунга келиб эса глобал антропоген таъсир натижасида табиат одамзотни оғоҳликка, ҳушёрликка ундаётганини алоҳида таъкидладилар.

Давлат миқёсида кўтарилаётган масала — муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизими Ўзбекистон табиатининг биологик хилма-хиллигини сақлашда катта аҳамиятга эга. Бундай ҳудудлар сирасига 8та давлат кўриқхонаси, Қуйи Амударё биосфера резервати,

2та миллий-табиий боғ, 9та буортмаҳона ва камайиб кетаётган ноёб жонивор турларни кўпайтириш бўйича шугулланаётган «Жайрон» экомаркази киради.

— Ушбу тизимда давлат табиат кўриқхоналари асосий ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги мувофиқ, мавжуд кўриқхоналар қатъий муҳофаза режими остига олинган. Йил давомида мута-

Бухоро вилояти ҳудудида жойлашган «Жайрон» экомарказида Ўзбекистоннинг «Қизил китоби»га киритилган жайрон, кулон, Пржевалский отлари, Бухоро тоғ кўйини кўпайтириш бўйича анчагина ишлар амалга оширилди. 2009 йилнинг бошида ушбу марказ ҳудуди 9369 гектарга кенгайтирилди, — дея маълумот беради Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мутахассиси Гулшат Шағиёқмедова.

Флора ва фаунанинг ноёб турларини тиклаш ҳамда кўпайтириш бўйича амалий ишлардан ташқари, йirik тадқиқот ва лойиҳаларга ҳам қўл урилмоқда. Бу эса муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда умумий ҳолатнинг яхшиланиши учун имконият яратяпти. «Кўриқхоналар мисолида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар миллий тизими барқарорлигини таъминлаш» лойиҳасининг техник координатори Сергей Загребин томонидан намойиш этилган слайдда узоқ муддатга мўлжалланган «Мастерплан» дастурининг мазмун-моҳияти, аҳамияти очиб берилди.

«Ўзбекистоннинг муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизими» мавзусидаги давра суҳбатида мутахассислар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди.

Х.КУЗМЕТОВА

«ОНА ЮРТ ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ»

Куни кеча пойтахтимиздаги 238-мактабда битирувчи синфлар ўртасида «14 январь — Ватан ҳимоячилари куни»га бағишланган тадбир ўтказилди. «Кувноқ ва билимдон йигитлар» деб номланган ушбу танлов «Она юрт ҳимояси —

муқаддас бурч» шiori остида ўтди. Унда 9-«А» синфининг «Шунқорлар», 9-«Б» синфининг «Юрт посбонлари», 9-«В» ва синфининг «Ўзбегим қалқонлари» жамоалари учта шарт асосида беллашдилар. Биринчилиكنи «Юрт посбонла-

ри» жамоаси қўлга киритди.

Ғолиб ва алоҳида ўрнатқурсатган иштирокчилар «Камолот» ЕИХ туман бўлими ва мактаб маъмурияти томонидан эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Дилдора ЭШОНҚУЛОВА



Бошланғич синф ўқувчилари учун дарс машғулотларини қизиқарли ташкил этиш, уни янгиликлар билан бойитиш бошланғич синф ўқитувчисидан катта масъулият талаб этади.

Бектемир туманидаги 289-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Н.Мамадалиева ҳам ҳар бир дарсни мазмунли ва қизиқарли ташкил этишга ҳаракат қилади. Унинг 3-синфда математика фанидан «Ўлчов бирликлари» мав-

зусида олиб борган очиқ дарсида ҳам бу хусусият яққол кўзга ташланди.

Ушбу муаллимнинг ташаббуси билан мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари ўртасида «Ўйла, изла, топ» интеллектуал танлови, очиқ дарслар ва тарбиявий соатлар тез-тез ўтказилиб турилади.

Суратда: Н.Мамадалиева навбатдаги машғулотда.

Бурхон РИЗО олган сурат.

МОДДИЙ РАҒБАТ

унинг миқдорини ўқитувчининг таълим-тарбия борасида эришган натижалари белгилайди

Ўртимизда кадрлар тайёрлаш тизимининг жаҳоҳири ҳисобланган ўрта махсус, касб-хунар таълими янгитдан шакллантирилди. Жумладан, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар фаолияти йўлга қўйилиб, моддий-техник базаси тубдан янгиланди. Улар меъёрий-ҳуқуқий, услубий жиҳатдан тўлиқ таъминланди. Таълим-тарбия жараёни маъно-мазмун жиҳатдан бойиб бормоқда. Албатта, бунда педагог ва касбий таълим усталарининг ўрни беқиёс.

Тошкент қурилиш ва коммунал касб-хунар коллежининг техник-архитектура йўналиши махсус фан ўқитувчиси Аҳмадullo Нуриддиновга жамоадорлари «муассасамизнинг ядроси», дея таъриф беришади. Унинг ҳар бир олиб бораётган иши, жумладан, ўз гуруҳи ва уларнинг ота-оналари билан ишлаши, ўқувчиларни касб-хунарга қизиқтириши, уларда ихтисослик бўйича назарий, амалий билим, малака ва кўникмани мустаҳкам шакллантириши, ўқув-услубий адабиётлар яратиши, шогирдларини турли кўрик-танловларга олиб чиқиш тажрибалари, битирувчиларни ишга жойлаштириш масаласидаги фаоллиги ҳамкасблари томонидан ўрнатилган сифатида қабул қилинади.

Худди шунингдек, Мирзо Улугбек сановат касб-хунар коллежида «Пайвандлаш» йўналиши касбий таълим устаси Сергей Сосинни эса нафақат ота-оналар, балки иш берувчи ТТЗ, «ТТЗметал» ва «Кондиционер» қўшма корхоналари, «Андоза» МЧК каби катта-кичик корхоналардаги деярли барча усталар яхши танийди. Негаки, унинг амалиёт даражасида берган билимлари асосида пайвандлаш сирларини ўрганган битирувчилар синовлардан аъло даражада ўтиб, мустаҳкам иш ўринларига эга бўлмоқда. Бундай қафолатланган билим, кўникма ва малакаларни ўз ўқувчиларига бераётган устанин шогирдларини ишга олишни, фарзандини унинг қўлига тоширишни ҳоҳловчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Албатта, бундай юксак касб маҳорати эга, таълим-тарбия жараёнига катта ҳисса қўшаётган ўқитувчи ва касбий таълим усталарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини муносиб тарзда моддий-маънавий рағбатлантириб бориш каби эзгу ишларни амалга ошириш йўлга қўйилган.

— Бу борада Президентимизнинг «ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди 1-Тошкент педагогика касб-хунар коллежи директори Шавкат Курбонов. — Ҳозирда ушбу қарор асосида Директор жамғармаси фаолият кўрсатмоқда. Мазкур жамғарма маблағларидан юқори касб маҳорати эга ва ўқув-тарбия жараёнига ҳисса қўшаётган, таълим бериш самардорлиги ҳамда сифати юқори, ўқувчиларнинг касб-хунар кўникмалари ва билимларини ривожлантиришда, тарбиявий ва дарсдан ташқари ишларда ўрнатилган педагогларга базавий тариф ставкасининг 40 фоизигача миқдорини оилавий устам ҳақ тўламоқда. Бу эса ходимлар орасида соғлом ва ижодий рақобат муҳитининг шаклланишига хизмат қилмоқда.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида раҳбар раислигида педагог кенгаши, касба уюшмаси ташкилоти

раиси, васийлик кенгаши, ота-оналар қўмитаси вакиллари иштирокидаги махсус комиссия фаолият олиб боради. Ушбу комиссия ўқитувчи ва касбий таълим устасининг ярим ўқув йили давомида ўқув, илмий-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий, ташкилий иши юзасидан олиб борган ишларини таҳлил қилади. Ҳар бир мезон асосида ўқитувчига балл қўйилади.

Асака педагогика касб-хунар коллежи педагогика фани ўқитувчиси Мақсуда Йўлдошеванин ўқув ишлари бўйича фаолиятига комиссия томонидан юқори балл қўйилган. Унинг раҳбарлигидаги гуруҳ ўқувчилари давомати 100 фоизни ташкил этган. Педагогининг таъкидлашича, бу натижага эришиш учун ота-оналар билан нафақат мажлисларда, балки доимий равишда уларнинг ҳар бири билан алоҳида суҳбатлашиб, фарзандининг юриш-туриши, дарслардаги иштироки, ўзини тутиши, уларнинг келажақдаги режалари ҳақида фикрлашиб бориш зарур. Натижада гуруҳ раҳбари, ота-она ва ўқувчи орасида дўстона муносабат юзага келиб, ҳар бир масала юзасидан бу учлик бири-бирини олдиндан халбардор қилиш ҳамда ўзаро маслаҳатлашиб иш кўришга ўрганади. Ҳар бир ўқувчи учун масъул эканини ҳис қилган гуруҳ раҳбари улардан бири дарсга келмаганини билган заҳоти унинг ота-онаси орқали масаланин сабабини аниқлайди.

Ундан ташқари, ўқитаётган фанига ўқувчиларни қизиқтириш, уларнинг билим даражаси ўсишини таъминлаш билан ҳам жиддий шуғулланади.

— Бу борада биринчи навбатда ўқитувчининг ўзи дарсга пухта тайёргарлик кўриши жуда муҳим, — дейди М.Йўлдошева. — Ҳаётдаги машғулотиингизга ахборот технологияларини олиб кириб, замонавий ва самарали педагогик технологиялардан фойдалана олган ҳолда дарсингизни маъруза ва маълумотларга бой тарзда ташкил қилаолсангиз, ўқувчида нафақат фаниннгизга, балки танлаган касбига нисбатан ҳам қизиқиши, ишончи янада ортади.

Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицейнинг биология фани ўқитувчиси Дилбар Бобохонова жамоадорлари орасида рейтинг кўрсаткичи бўйича бир неча йилдан бери энг юқори натижа кўрсатиб келаётди. Унинг 2010-2011 ўқув йилининг 2-ярим йиллик яқунларини кўздан кечириб келган бўлса, энг асосий балларни ўқув-услубий

қўлланмалар яратиш, илмий мақолалар эълон қилиш, ўқувчиларни олимпиадага тайёрлаш бўйича қўлга киритган. Ўзбекистон Миллий университетининг изланувчи-тадқиқотчиси сифатида Д.Бобохонова «Оксикуматнинг фосфолипидлар алмашинувига таъсири» мавзусида илмий иш ҳам олиб бормоқда. Унинг илмий иши юзасидан республика ва хориж мамлакатларида турли мақолалари эълон қилинди.

— Эътиборлиси, у Ахборот-ресурс марказимизни бойитиб боришга ўзига хос ҳисса қўшиб келади, — дейди ТТА қошидаги академик лицей директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Махмуджон Эргашев. — 2010-2011 ўқув йилининг иккинчи ярмида эса «Ерда ҳайвонот олами

Қарор ва ижро

нинг ривожланиши» деб номланган электрон дарслик тақдим этди. Бир қанча намунавий дастур ва услубий ишланмалар тайёрлаб, ҳамкасблари эътиборига ҳавола қилди. Айниқса, республика умумтаълим фанлари олимпиадасига ўқувчиларни тайёрлаш борасида катта тажриба тўғлади. Унинг шогирдлари 2002, 2006, 2007, 2010 йилларда биология фанидан олимпиаданин республика босқичида ғолибликни қўлга киритишди. Д.Бобохонованин бу каби меҳнатлари комиссия томонидан ижобий баҳолалиб, унга энг юқори фоиздаги устам ҳақ белгиланди.

— Муҳими, ўқитувчининг қанча қўшимча ҳақ олишида эмас, — дейди Д.Бобохонова. — Асосийси, изланаётган, ўз устида ишлаётган педагоглар учун берилётган эътибор, улар меҳнатининг қадрланишидир. Бу жиҳатдан мамлакатимизда эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Қилган камтарона меҳнатларини эътиборга олган йили «Ўрта махсус, касб-хунар таълими алоҳииси» кўчрак нишони билан тақдирланишим мени янада руҳлантириб, баркамол авлод тарбиясида энг шимариб ишлашга рағбат уйғотди.

— Ушбу баҳолаш мезониди ўқитувчининг нафақат дарс жараёни, балки дарсдан ташқари фаолияти ҳам ҳисобга олинади, — дейди Мирзо Улугбек сановат касб-хунар коллежи директори Зокир Фаниев. — Яъни, унинг меҳнат интизоми, ўзини тутиш маданияти, педагогик юктамаларни бажариши, ижтимоий фаоллиги, меъёрий ҳужжатлар билан ишлашига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Биргина тартибни бузиши, ўқувчиларни тизимли равишда баҳолаб боришда ёки меъёрий ҳужжатларни тўлдиришда лоқайдлик қилгани аниқланса, огоҳлантириш берилиб, ҳар бир хато ва камчилиги учун мезонда белгилангандек, баллар миқдори камайтирилади. Оқибатда устам ҳақ фоизи пасаяди ё умуман ярим ўқув йили учун рағбатлантириш маблағидан маҳрум бўлади.

Бундан ташқари, айниқса, касб-хунар коллежларида ўқитувчи ва касбий таълим усталарининг умумий ўрта таълим

лим устаси ишлардик. Илк бор устам ҳақ нима экани ва қимларга берилиши ҳақида тушунчага эга бўлганимиздан кейин касбий таълим усталари ўртасида соғлом рақобат муҳити юзага келди. Ўз устимда тинмай шуғулландим. Олган билим ва хунаримни ўқувчиларга самаралироқ йўллар билан етказишга ҳаракат қила бошладим. Бунинг натижасида «Тасаввур» тикувчилик тўғраги юзага келди. Шогирдларим 2009-2010 ўқув йилида тикувчилик ишлаб чиқариш мутахассислиги бўйича касб-хунар коллежларининг битирувчилари ўртасида бўлиб ўтган «Касб маҳорати» кўриктанловининг республика босқичида 1-ўринни эгаллади. Ўқувчиларим «Хонатлас-2009» фестивалида иштирок этиб, фахрий ёрлқ билан тақдирланди. Ўзим эса 2010 йили тикувчилик ишлаб чиқариш таълими йўналиши бўйича «Энг яхши таълим устаси» танловининг республика босқичида 2-ўринни қўлга киритдим.



мактабларининг 9-синф битирувчиларни таълим муассасасига қамраб олиш, ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этишда таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик шартномалари ўрнатиш, таълим муассасаси битирувчиларини ишга жойлаштириш жараёнларидаги фаоллиги ва бу борадаги амалий натижалар ҳам алоҳида баҳолалиб борилади. Масалан, касб-хунар коллежимизнинг «Пайвандлаш» йўналиши касбий таълим устаси Сергей Сосин бу борада анча илгор. Туяманимиздаги 210-умумтаълим мактабиди коллежимизда ўргатилётган касб-хунарларга мактаб ўқувчиларини қизиқтириш мақсадида турли тадбирлар, ўқувчиларни ташкил этади. Ўқувчиларнинг касб-хунар коллежимизга ташрифини ушштириб, ўқув ва амалиёт хоналари билан таништиради. Корхоналардаги малакавий амалиёт даврида ўз шогирдларига бош бўлади. Улар учун қўшимча машғулотлар ташкил этиб, билим, малака ва кўникмаларини янада бойитишга ҳаракат қилади. Шунингдек, ҳар бир педагогини ўқув йили давомида яна бир бор ўз фаолиятини таҳлил ва танқидий қўриб чиқишга, ишлаш тартибини янгилаш ва яхшилашга чорлайди. Зеро, соғлом ижодий рақобат муҳити шаклланган жамоадагина ўсиш, ривожланиш бўлади, баркамол фарзандлар вояга етати.

— Меҳнат фаолиятимни касбий таълим устаси сифатида бошлаганман, — дейди Яқкасарой энгил сановат касб-хунар коллежи махсус фан ўқитувчиси Гулноза Эловсизова. — Ўшанда 15 нафар касбий таъ-

— Касб-хунар коллежимиз ўқувчилари авваллари анъанасига қамраб олиш, ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этишда таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик шартномалари ўрнатиш, таълим муассасаси битирувчиларини ишга жойлаштириш жараёнларидаги фаоллиги ва бу борадаги амалий натижалар ҳам алоҳида баҳолалиб борилади. Масалан, касб-хунар коллежимизнинг «Пайвандлаш» йўналиши касбий таълим устаси Сергей Сосин бу борада анча илгор. Туяманимиздаги 210-умумтаълим мактабиди коллежимизда ўргатилётган касб-хунарларга мактаб ўқувчиларини қизиқтириш мақсадида турли тадбирлар, ўқувчиларни ташкил этади. Ўқувчиларнинг касб-хунар коллежимизга ташрифини ушштириб, ўқув ва амалиёт хоналари билан таништиради. Корхоналардаги малакавий амалиёт даврида ўз шогирдларига бош бўлади. Улар учун қўшимча машғулотлар ташкил этиб, билим, малака ва кўникмаларини янада бойитишга ҳаракат қилади. Шунингдек, ҳар бир педагогини ўқув йили давомида яна бир бор ўз фаолиятини таҳлил ва танқидий қўриб чиқишга, ишлаш тартибини янгилаш ва яхшилашга чорлайди. Зеро, соғлом ижодий рақобат муҳити шаклланган жамоадагина ўсиш, ривожланиш бўлади, баркамол фарзандлар вояга етати.

Аброр УМАРКУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ЁШ ҲИТОВЧИЛАР ФАОЛЛАШДИ

Хозирги кунда илм-фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳаларининг тез суратлар билан ривожланиши таълим тизими ходимларидан таълим-тарбия сифатини мазмун жиҳатдан янги босқичга кўтаришни талаб этмоқда.

Бу ўринда Халқ таълими вазирлигининг "Умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш" бўйича "Дарс — муқаддас" тавсияси алоҳида аҳамиятга эга. У аynиқса, ёш педагог-мутахассислар фаолиятини олиб боришида дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Шaxснинг қандай инсон бўлиб шаклланиши жамият, oilaviy муҳит билан бир қаторда ўқитувчининг ўз касбини sidqidildan сеvishi, fidoyiligi ҳамда зamonaviy талаблар асосида дарс ўтишига ҳам bog'liq. Буни чин дилдан хис қилган Наманган вилояти Чуст шаҳридаги 7-ихтисослаштирилган мактаб-интернат жамоаси ҳам мазкур тавсия асосида қатор ишларни амалга оширмоқда. Мактаб-интернатимиз биология, она тили, хорижий тиллар, математика фанларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослашган.

Авалло, "Дарс — муқаддас" ҳар бир ўқитувчига услубий тавсия сифатида берилди. Унда таъкидланганидек, ўзлаштирилиши мураккаб мавзулар асосида услубий бирлашма раисла-

ри, маҳоратли устоз-мураббийлар — олий тоифали она тили ва адабиёт ўқитувчиси М.Хожиматова, 1-тоифали биология фани ўқитувчиси Т. Аминов, 1-тоифали математика фани ўқитувчиси И. Мутиллаев, 2-тоифали инглиз тили фани ўқитувчиси Ф. Олимова томонидан намунали очиқ дарслар ташкил этилди. Очиқ дарслар мактаб-интернат методик кенгашида атрофлича таҳлил қилиниб, ёш ўқитувчиларга керакли кўрсатмалар берилди.

Аynиқса, олий тоифали она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси М.Хожиматова томонидан ўтилган "Феъл сўз туркуми юзасидан умумлаштирувчи дарс" (6-синф) ўзининг ноанъанавийлиги, интерфаол усулда ташкил этилганлиги билан барчага маъқул бўлди.

Синфларда "Тенгдошлар" тизими ҳам жорий қилинди. "Тартиб посбонлари" сайланди. Бу жараёнлар ўқувчиларнинг ўзини ўзи бошқариши, ишонч, масъулият, эътиқод туйғуларини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади, албатта.

Рисқихон НАЗИРОВА,
Чуст шаҳридаги
7-ихтисослаштирилган
мактаб-интернатнинг она тили
ва адабиёт фани ўқитувчиси

Халқ таълими вазирлигининг «Дарс — муқаддас» тавсияси ўқитувчиларнинг ўз-ўзларини қайтадан кашф этишларига замин бўлмоқда. Муаллимларнинг дарс самарадорлигини оширишга қаратилган янгидан-янги тажрибалари ҳар томонлама қўллаб-қувватлана-япти. Утиллажак дарс учун зарур методик-услубий шарт-шароит яратишга ҳар бир таълим ходими ўзини масъул деб билаётган-

куч», «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» асарининг мазмун-моҳияти, ХТВнинг «Узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи, дарс жараёнида зamonaviy инновацион ҳамда ахборот-коммуникация технологияларида фойдаланиш, фан олимпиадалари, билимлар беллашуви натижалари асосида ўқувчилар билимида аниқланган камчиликларни тўлдириш, «Устоз-шогирд мактаби» каби мавзуларда тўпла-

«Dars — muqaddas»

МАЗМУН ЯНАДА БОЙИДИ

ни эътиборлидир. Хусусан, Навоий вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан шаҳар ҳамда барча туманлардаги мактаб ўқитувчилари учун қишки таътил давомида дарс самарадорлигини оширишга қаратилган мақсадли ўқув курсининг ташкил этилиши аynи муддао бўлди.

Тажрибали ва устоз ўқитувчи-тренерлар томонидан олиб борилган маъруза, тренинг-суҳбат ёки эркин мунозараларимиздан олган билим ва малакаларимизни янги чоракдан бошлаб дарсларимизда қўллаяпмиз. Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас

ган билимларимиз дарсларимизни янада бойитмоқда.

Утиладиган ҳар бир дарс ўқитувчидан ўзгача бир масъулият талаб этади. Ўқитувчилар учун мактаб доирасида ташкил этилган мақсадли ўқув курси биз педагоглар учун янада кўпроқ ишлаш, англикларни тезлик билан эгаллаб олиш лозимлигини исботлаб берди. Шунингдек, жамоада бирдамлик, ўзаро ҳамфикрлик туйғуларини ҳам ривожлантирди.

Гулноза ФАФФОРОВА,
Навоий шаҳридаги
15-мактаб ўқитувчиси

ЙИГИТЛАР МАРДЛИГИ БИЗГА КУЧ БАҒИШЛАЙДИ

Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафларида халқимиз олдидаги фарзандлик бурчини адо этаётган минглаб ботир ўғлонларимизнинг матонати барчамизга гурур ва ифтихор бахш этади. Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби довюрак, жасур, ватанпарвар саркардалар етишиб чиққан бу замин фарзандларини маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий ва ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш уларда юксак ахлоқий-руҳий фазилатларни вуҳудга келтириши, Ўзбекистон Республикасини химоя қилиши, ҳарбий бурчини бажаришдек муҳим тайёргарликни амалга ошириш бўйича таълим соҳасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақил фикрли, тафаккури тиник, эътиқоди бутун, баркамол шахсина улғу мақсадларни рўёбга чиқара олади. Шу маънода адабиёт дарсларида ҳам ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратаётимиз. Инчунин, бадий асарлар қаҳрамонларининг маъна-

Эътиборлиси, коллежизмидаги ўқув жараёнларида Ватан ҳимоячилари бўлмиш фарзандларимизни ҳам руҳан, ҳам жисмонан чиниқтириш мақсадида ўқув даргоҳимизда спорт мусобақалари, турли кўрик-танловлар ва бошқа тадбирлар уюштириб келинмоқда.

Ватанимизнинг тинчлиги — ҳар биримизнинг тинчлигимиз. Мустақил Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашини, юртимиз тинчлиги йўлида хизмат қиладиган, маънан баркамол, жисмонан бакуват ёшларни тарбиялаш биз устоз-мураббийларнинг муҳим вазифамиз бўлиб қолаверади.

Гулнора КАРИМОВА,
Тошкент Банк коллежи
етакчи ўқитувчиси

Faxr

вий қиёфаси, улар бажарган қаҳрамонликлар ўқувчиларни юксак марралар сари чорлаши тайин. Қолаверса, йигит-қизлар бундай мавзулар орқали мустақил фикрлашга одатланади, ўз ватанига, ота-онаси, яқинларига садқатли бўлиб улғаяди.

ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШДА ҲАМКОРЛИК

Учтепа миллий хунармандчилик касб-хунар коллежида аynи пайтда 1000 нафардан зиёд ўқувчи-ёшлар миллий ва зamonaviy касб-хунарларни пухта ўрганиб келмоқдалар. Жумладан, илм масканида заргарлик буюмлари уста-рассоми, миллий этнографик ва бадий либослар дизайнери, бадий гилам ва gobелен тўқувчи-рассом, бухгалтерия ҳисоби, тикувчи, ёғоч ўймакор-уста йўналишларида кичик мутахассислар тайёрланмоқда.

Коллежда юртимизда ва хорижда ишлаб чиқарилган ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланган 2та компьютер, 3та лингвон, шунингдек, биология, кимё ва физика фани хоналари мавжуд. Зар-

гарлик ва ёғоч ўймакорлиги йўналишида илм олаётган ўқувчиларнинг назария билан амалиётни уйғунлаштиришлари учун махсус жиҳозланган хоналар ташкил этилган.

Таълим муассасаси ҳудуддаги умумтаълим мактаблари билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйган. Шу сабаб мактабларда касбга йўналтириш мавзусида ташкил этилаётган тадбирларида, шунингдек, коллежда бўлиб ўтаётган "Очиқ эшиклар куни"да ҳар икки таълим муассасаси вакилларининг фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Лобар СОҲИБОВА,
коллеж ўқитувчиси



ДАРСДА КЎРГАЗМАЛИК САМАРАСИ

Тошкент радиотехника ва автоматика касб-хунар коллежида телерадиоаппаратураларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда ўқув-лаборатория жиҳозларидан таълим жараёнида самарали фойдаланишни ташкил этишга бағишланган амалий семинар ўтказилди.

Тадбирда пой-касб-хунар кол-радиотехника таълим берувчи ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш усталари иштирок этдилар.

Семинар давомида коллежнинг махсус фанлар кафедраси мудири Ф.Болбекова, ўқитувчилар Г.Матёқубова, М.Хўжаев, ишлаб чиқариш усталари А.Рафиқов, Т.Юсупов электроаппаратуралардан фойдаланиш қоидалари, импульс занжирларини ишлаш меъёрлари, электр ўлчов асбобларини қўллаш бўйича кўргазмали амалий машғулот ўтиб бердилар.

— Фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш усталарининг ўқув-лаборатория жиҳозларидан унумли фойдалана олиши ҳар бир машғулотнинг самарали ва мазмунли ташкил этилишини таъминлайди, — дейди коллеж раҳбари А.Зокриков. — Бугунги амалий тадбирда ҳам иштирокчиларга мавзу юзасидан кенг тушунчалар берилди, уларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

**МУХБИРИМИЗ
А.ҲАЙДАРОВ олган сурат.**

Юртимизда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссия ташаббуси ва кўмагида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Барқарор тараққиёт таълими ўн йиллиги» (2005—2014) доирасида таълим дастури амалга оширилмоқда.

Барқарор тараққиёт таълими доимий англаш ва ўрганиш жараёни бўлиб, ўқувчи ва талабалардан илгор фикрлашни, ривожлантиришни ўз ичига олади. Унда маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий, иқтисодий ва маданий мазмун билан бойитилган анъанавий экологик таълим ва табиий фанлар соҳасидаги барча ижобий ютуқлардан фойдаланилади.

«Инсониятнинг кейинги тараққиёти техникавий муваффақиятларга эмас, балки унинг ахлоқий кадриятларига боғлиқ бўлади», деб ёзган эди таникли олим Альберт Эйнштейн. Дарҳақиқат, ўз фаолиятининг ҳар қандай салбий оқибатларини аввалдан қўриш ва уларнинг олдини олишни ўрганиш орқалигина инсон ўз қудратидан оқилона фойдаланиши мумкин. Шу маънода Барқарор тараққиёт таълими шахса йўналтирилган махсус ёндашувларга, шунингдек, тўғри ахлоқсининг минг йиллар давомида тўпланган ҳаётий таъриби ва билимлари, турмуш тарзи ва анъаналарига асосланган ҳолда ижтимоий ва экологик йўналишда танқидий фикрловчи фаол фуқаролик позициясига эга шахсни тарбиялашга ҳисса қўшмоқда.

Ўқитувчи Баходир Худойбердиев ташаббуси билан дастлаб Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманидаги 40та мактаб, 5та коллежда ташкил этилган «Яшил тўлқин» болалар экологик жамғармаси ҳам бу дастурга хайрихолик билдирди. Жамғарма Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат ношарҳат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг «Ешлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, «ом-

мавий маданият»нинг турли таҳдид ва зарарли таъсирларидан асраб қолишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш» лойиҳаси доирасидаги грантни қўлга киритган. Ёш экологларнинг ҳақиқий юртпарвар ва табиатсеварларни тарбиялашдаги қатор ишлари эътироф этишга лойиқ.

«Яшил тўлқин» болалар экологик жамғармасини тузишдан кўзланган мақсад қандай? Таълим муассасаларида

ра биладиган ўқувчи сардор қилиб сайланади, икки нафар ўринбосар ҳам тайинланади.

Гуруҳ аъзоларига аниқ вазифалар тушунтирилади, ўргатилади, айниқса, сардор ва унинг ўринбосарлари ҳар қандай тадбирнинг қизикари, мароқли ва самарали ўтишини таъминлаши шарт. Улар ўз мактабини, унинг атрофидаги ҳудудларни ўрганади, қилинадиган ишларнинг режасини тузади ва уни мактаб директориндан тасдиқлаб олади. Эришилган ютуқларни улар яшаб турган ўйда, кўчасида, маҳалласида қўллаيدди.

«Яшил тўлқин» гуруҳига ўқувчиларни бир вақтда тўплаш анча қийин кечади. Бунинг учун мактаб директори томонидан тайинланган

зарарли иллатларга қарши курашиш тадбирлари, театрлаштирилган саҳна кўринишлари намойиш этилади. Ёш табиатсеварлар Наврўз ва бошқа миллий умумхалқ байрамларининг намунали ўтишини таъминлайди.

Харакатнинг хос дастурида қалб даъвати, изчиллик, барқарорлиқни таъминлаш, табиатни тиклаш ва асраб-авайлашга алоҳида аҳамият қаратилган. Хўш, экологик тақвим кўринишидаги ушбу ўқув-ўқувчи ҳаракат дастурининг долзарблиги ва таълим-тарбия тизимидаги аҳамияти ни мада?

Бутунжаҳон миқёсида қабул қилинган табиат билан бевосита боғлиқ саналар, кунлар кўп. Қолаверса, асрлар

Tabiat va biz

қўриши, илғаши мумкин. Улар қаерда, қачон ва қандай ишларни амалга ошириш кераклигини ўрганади. Энг муҳими, катталарни ҳам, болаларни ҳам вазиятни аниқлаш, кузатиш ва баҳолаш, таққослаш, таҳлил қилишга ундайди. Қолаверса, болалар топшириқларни бажариш жараёнида ўқув материалларини яна бир бор такрорлайдилар, яъни олган билимларини амалийда мустаҳкамлаб бойитдилар, изланиб, янги билимларни ўзлаштиришга интиладилар. Баъзи топшириқларни бажаришда ота-оналари билан ўзаро иш юритиш, таассуротлар билан ўзаро ўртоқлашиш имкони яратилди.

Дастурда кўрсатилган «Табиат тақвими»да «Сув куни» (22 март), «Ер куни» (21 апрель), «Чекишга қарши кураш куни» (31 май), «Гиёҳвандликка қарши кураш куни» (26 июнь), «Озон куни» (16 сентябрь), «Иккиламчи хомашени кайта ишлаш куни» (15 ноябрь), «Халқаро ОИТСга қарши кураш куни» (1 декабрь)га бағишланган тадбирларни уюштириш айтини муваффақият қилиши мумкин. Уларнинг баъзиларини конференция, айримларини кўрик-танлов тарзида ўтказиш кўпчиликда катта қизиқиш уйғотади. «Яшил тўлқин» гуруҳи аъзолари сафининг ўсиши ва мақсадларининг рўйбега чиқишида тақлим этилаётган тақвимий дастур муҳим ўрин тутди.

Тадбирларни бажара туриб тез фурсатда 30 нафар фаол 30 нафар сардорга айланади. Улар ўз шижоати, ташаббуси, ижодкорлиги билан бошқа ўқувчиларни етаклайди.

«Яшил тўлқин» ҳаракати ўсиб келаётган ёш авлодда Ватанга ва табиатга меҳр-муҳаббат, шafqat, мурувват ҳиссини, юрт ободлиги ва фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсата олиш хислатларини тарбиялайди.

Дилшод КАРИМОВ,
«Ma'rifat» муҳбири

«ЯШИЛ ТЎЛҚИН» — ТАБИАТГА МУҲАББАТ МАВЖЛАРИ

ташкил этилган гуруҳлар қандай тартибда амалий ишларни олиб боради.

— Гуруҳлар фаолияти кўйидаги йўналишда боради, — дейди бу ҳақда Баходир Худойбердиев. — Маҳалладаги ҳар бир мактабда 30 нафар ўқувчидан иборат «Яшил тўлқин» гуруҳи тuzилиб, унга 5—9-синф ўқувчилари орасидан табиатни севадиганлар қабул қилинади. Улар ўз мактабда, яшаб турган ҳудудда йил давомида юқори ташиқлот раҳбарларидан кўрсатма, топшириқни кутиб ўтирмасдан, аниқ йиллик режа асосида кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш, тозалаш ва озодлик кунларини ташкил этишади. Улар ичидан тартиб ва интизомга бўйсунадиган, топшириқларни аъло даражада бажарадиган, дўстлари тақлифини эътиборга оладиган, илгор фикрлайдиган, ҳаммани қизиқтира оладиган ва орқасидан эргашти-

раҳбар-ўқитувчи мавжуд имкониятни, вазият, вақтдан умумий фойдаланиши лозим. Гуруҳ раҳбари вазиятни олдиндан сезадиган, муаммони ечиш учун ўқувчиларни йўналтирадиган, жўшқинлиги ва фидоикорлиги билан гуруҳ аъзоларини ҳам етаклайдиган бўлиши керак.

Бажарилган ишлар ўз вақтида қўллаб-қувватланади. Зарур бўлганда уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилади. Тақдирлаш учун ҳомийларни, бошқа имкониятларни излаб топиш зарур. Мактаб директори томонидан чиқарилган буйруқда раҳматнома эълон қилиниши мумкин.

Гуруҳ ўзига бириктирилган ҳудуд маҳалла кўмитаси раиси билан ҳамкорликда ишлайди. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларидан ташқари урғуш, кеча ва сўх-батлар уюштирилади. Гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, қашандалик ва шу каби бошқа

давомида тартиб берилган, сайқал толган, авлодлардан авлодларга мерос сифатида ўтиб келаётган азалий анъана, удумлиримиз ҳам талайгина. Ана шулар мувофиқлаштирилган тақвим кўринишидаги бу дастур ўзининг яхлит ва узвий, узлуксиз тизимга солинганлиги учун ҳам кутимланган ва ўхшаши йўқ ангилмайдир. Дарҳақиқат, тизимга келтирилган барча ишлар хилма-хил, барқарор, давомий, узлуксиз, кетма-кет, босқичма-босқич ва ўзаро уйғун бўлиб илмийликка асосланган, уни барча ҳудудларда амалга ошириш мумкин.

Дастур ҳаммабол, болалар учун ҳам, катталар учун ҳам бирдек аҳамиятга эга. Чунки бу катта ёшдагиларга унут бўлган нарсаларни эсга солса, болаларнинг диққат-эътиборини табиатдаги маълум ҳодисаларга қаради. Катталар ўзларига таниш нарсаларнинг нотаниш томонларини

МИЛЛИЙ МУЛЬТФИЛЬМЛАР

Мультфильмлар болажонларнинг оламни англашига ёрдам беради. Уларнинг дунёқарашини шаклланишида муҳим ўрин тутди. Айни пайтда ўзбек мультфильм усталари томонидан тарбиявий, ёшлар камолоти йўлида хизмат қиладиган асарлар яратилмоқда. Шу мақсадда «Ўзбекино» Миллий агентлиги тасарруфидаги «Ўзбекфильм» киностудияси қошида махсус мультфильмлар ташкил этилди. Унда таниқли мультфильматорлар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Мавзур Махмудов, бир неча халқаро фестиваллар совриндори Дмитрий Власов, кўплаб моҳир рассом ҳамда операторлар томонидан ўзбек халқ эртаклари, мумтоз адабиётимиз намоянадаларининг асарлари асосида мультфильмлар яратиш йўлга қўйилди.

Мавзур Махмудов, «Ўзбекфильм» киностудияси қошидаги мультфильмлар бадий раҳбари:

— Хориждан кириб келаётган мультфильмларнинг барчаси ҳам бизнинг дунёқарашимизга тўғри келавермайди. Уларнинг орасида ёш авлод тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган, уларни нотўғри йўللарга бошлайдиганлари ҳам талайгина. Бугун ўзривонликни тарғиб қилувчи хориж мультфильмларини тақдирлаётган эканмиз, уларнинг ўрнига ўзимизнинг юқори савиядаги, қизиқарли воқеаларга асосланган мультфильмларни яратишимиз лозим.

Мана, бир неча йилдан буён юртимизда болажонларга маънавий озуқа берадиган анимацион фильмлар ишлаб чиқилмоқда. Хар йили ўнта фильм яратилапти. Халқ оғзаки ижодининг ёрқин намунаси, барчамиз учун кадр-

ли «Зумрад ва Қиммат» эртаги асосида анча йиллар аввал болажонлар учун қўғирчоқ фильми яратилган эди. Мультфильматорларимиз «Ўзбекино» Миллий агентлиги бюортомасига мувфиқ, мусикали, мультпликацион замонавий таъсир ва операторлик ишига

асосланган янги «Зумрад ва Қиммат» асарини экранлаштиришди. Фильм мусикали эртақ жанрида яратилиб, унга сценарий муаллифи Кавсар Турдиева томонидан бешта ашула киритилди. Мультфильмларнинг яратилиши мурраккаб жараён. 12—15 мингта расм аниматорлар томонидан жонлантирилади. Кадрда бир секунд мобайнида 24та расм иштирок этади. Масъулиятли вазифага бу соҳани севган рассом ва ижодкорларгина қўл уради.

Шарифа Турсунова, Ҳамза туманидаги 307-давлат ихтисослашти-

рилан умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси:

— Ўқувчилар эшитгандан кўра, кўрган нарсасини кўпроқ эслаб қолади. Шунинг учун мен бир неча йиллардан буён дарсларда мультимедиа усулидан фойдаланишни келг йўлга қўйганман. Тақрибаман «Математика, она тили ва ўқуш дарслари бўйича мультимедиа дарс ишланмаси» деб номланган қўлланмада ҳам баён этганман. Яқинда қўлимга «Ўзбекфильм» томонидан яратилган миллий мультфильмлар тўплами тушиб қолди. Улар ўзбек халқ эртаклари, дoston ва ҳикоялар асосида яратилган бўлиб, тарбиявий аҳамиятга эга. Дарҳол «Ўқуш дарси ва тарбиявий соатлар учун режа тузиб, унга «Широқ ҳақида афсона», «Зумрад ва Қиммат» ва «Эгривой билан Тўғривой», «Шер билан дуррож», «Йўл ва болалар» мультфильмларини киритдим.

Дарҳақиқат, кичик ёшдаги фарзандларимиз корейс телесериали «Жумонга» «қаҳрамон» дея таъриф беради. Жумонг аслида қанчалик эътиборга молик тарихий шахс бўлганини билмадим-у, ammo бизда фаҳраг арзигулик Широқ Тўмарис каби халқ қаҳрамонлари борлигини ёшларга сингдиришимиз ва бу борада мультфильмлар ёрдамига суяншимиз айтини муддаодир. «Широқ ҳақида афсона» мультфильмида юртини босиб олишни мақсад қилган қудратли душман қўшинини тadbirkorлик билан мағлуб

қилган оддий қўлон Широқ ҳақида ҳикоя қилинади. Мардлик, жасорат ва ватанпарварлик гоъялари илгари сурилган бундай фильмлар яратилапти. Демак, гал уларни болажонларга етказишда қолди.

«Ўзбекино» Миллий агентлиги бюортомаси билан 2010-2011 йилларда яратилган мультфильмлар тўплами диски чиқарилган. Ундан «Чархатак», «Шер билан дуррож», «Спитамен», «Эгривой ва Тўғривой», «Соҳибжамол қўғирчоқ», «Зумрад ва Қиммат» каби бир қатор тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ўндан ортқ мультфильмларини олган. Улар хориж мультфильмларидан кескин фарқ қилади. Бола кўз нурига салбий таъсир этувчи ёрқинлик ва объектларнинг тез ўзгараувчанлиги ёхуд шовқинли лаваҳлар кузатилапти.

Мультфильми қаҳрамонлари, албатта, ёш томошбинларда меҳр уйғота олиши керак. Шунинг учун экранда уларни чиройли қиёфада, эзгу феъл-атвор эгаси сифатида гавдалантиришимиз керак. Алишер Навоий асарлари асосида «Фарҳод ва Ширин», «Шер билан дуррож» мультфильмларининг яратилиши кўпчиликни қувонтирган эди. Энди эса «Сабъан сайёр» достони асосида «Меҳр ва Сухайл» номли мультпликацион фильми 3D форматда яратилмоқда. Ўйлаймики, бундай асарлар кичкинтой киномуҳлислар онгига миллийлик ва ватанпарварлик туйғуларини сингдиришда муҳим роль ўйнайди.

Моҳичеҳра ЛАТИПОВА,
«Ma'rifat» муҳбири

Jarayon



O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarining 20 yilligiga

БЎЛАЖАК ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ

Ўғил болалар ўртасида Қуролли Кучлар сафида хизмат қилишни шараф деб билмайдигани топилмас керак. Шу боис ҳам мамлакатимиз таълим муассасаларида ёшларга пухта билим бериш, касб-хунарга ўргатиш билан бир қаторда уларни Ватанимизнинг муносиб ҳимоячилари қилиб тарбиялашга, бошланғич ҳарбий билим, кўникма ва малакалардан хабардор этишга жиддий эътибор берилмоқда. Навоий техника-иктисодиёт коллежида ҳам бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Коллеж ҳарбий таълим бўлими моддий-ўқув базаси ҳамда ёшларни қаққурувга қадар бошланғич тайёргарлик фанининг ўқитилиши давлат таълим стандартларига тўлиқ жавоб беради.

Таълим даргоҳида иккита ёшларни қаққурувга қадар бошланғич тайёргарлик фан хонаси, фўқаро муҳофазаси хонаси, ўқ отиш тирни, тиббий-санитария хонаси, жанговар байроқ пости, вазвод бўйича навбатчи вазифаларини амалий ўрганиш бурчаги, тўсиқлар йўлагидан ўтиш майдончаси, кичик полигон шу мақсадга хизмат қилляпти. Шу билан бир қаторда, улар талаблар даражасида жиҳозланиб, ЕЧҚБТ фани бўйича янги маъруза матнлари ва ишчи ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. Ўқитувчи-

натихада коллеж ўқувчиларининг бошланғич ҳарбий тайёргарлики пухта ўзлаштиришларида қўл келляпти. Улар коллежнинг ички беллашувлари ҳамда шаҳар ва вилоят миқёсидаги мусобақаларида фаол қатнашиб, юқори ўринларни қўлга киритишмоқда. Жумладан, шу йил Ватан ҳимоячилари кўнига бағишлаб ҳарбий кўпқураш бўйича коллеж биринчилигида бешта жамоа иштирок этди. Унда техника бўлимининг «Ёш техниклар» жамоаси ғолиб бўлди.

Навоий кончили коллежида шаҳардаги касб-хунар коллежлари ўртасида бўлиб ўтган шундай беллашувда мазкур ўқув юрти вакиллари фахрли биринчи ўринни қўлга киритишди. Коллежнинг «Амир Темур» жамоаси Навоий шаҳар ўрта махсус, касб-хунар ишлари бўлими, ҳарбий қисмлар ўртасидаги «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақасида ҳам биринчи ўринни эгаллади. — Ўқувчиларимизнинг мамлакатимиз Қуролли Кучлари тўғрисидаги тушунча ва тасаввурла-

рини янада кенгайтириш, билимларини бойитишда ҳарбий қисмларда бўлиб, улар фаолияти билан яқиндан танишиш, ва ҳарбий хизматчилар билан бевосита мулоқотларда бўлиш катта ёрдам бермоқда, — деди коллеж ҳарбий таълим раҳбари Алишер Холов. Бундан ташқари, мавзуга доир турли танлов ва кечалар ташкил этилмоқда. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўнига бағишлаб «Ўйла, изла, топ!» мавзусида билимдонлар ва зўкўрлар беллашуви ўтказилди.

Ҳа, коллежда Ватанимиз Қуролли Кучлари учун бўлажак аскарлар тайёрлаш, ўқувчиларни ўз юртининг чинакам ватанпарварлари, муносиб ҳимоячилари этиб тарбиялаш борасида ибратли ишлар қилиняпти. Бу борадаги фаолият Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги нишонланаётган ҳозирги даврга келиб нанадори поғонага кўтарилди.

Маърифат ШАРИПОВА



«ОТАМ КАСБИНИ ДАВОМ ЭТТИРАМАН»

Вақт — учқур от, у бир зум ҳам тўхтамайди. Асрлар ва даврлар унинг тизгинига бўйсунмайди ва асло ном-нишонсиз кетмайди. Меҳр-муҳаббат ҳамроҳлигида, аждодларимизнинг кўрсатган не-не жасоратлари мадҳини, тарихни ўз бағрида опичлаб юради. Курсант Баҳром Шамиев отаси — хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган майор Чори Шамиевнинг кўн эслади. Бўлғуси офицер унинг расмини ҳаммиша ён чўнтагида олиб юради.

...Ўйнинг остонасида кутиб ўтирган болакай, дадаси эшикдан кириб келиши билан ҳарбийча салом бериб, уни кутиб олди. Бир кунлик қилинган ишлар бўйича ҳисобот беришни ҳам унутмади. Отасининг: «Барақалла, аскар ўғлим», дея бошини силаб, раббатлантириб қўйганлари юрагига нақшдек муҳрланган. Чори ака ўртоқлари билан бўлиб ўтайдиган сўхбатларида «Хар йигит ўсиб-улғайгандан сўнг, албатта, ҳаёт мактаби-армияда хизмат қилмоғи даркор. Чунки бу ерда ўғлонларнинг ота-онага, халқига ҳамда она-Ватанга бўлган туйғулари юракларида янада ғўши уришига, нима учун ва ким учун яшаётганини чуқур идрок этишига замин яратди» деган гапларини ҳам хотирлайди.

Мана, кунлар ортидан кунлар, ойлар ортидан ойлар ўтиб улғайган, куч-қувватга тўлган Баҳром отаси йўлидан боришга аҳд қилди. Аввал қарорини онаси Хилола аяқ айтиди. Айрилиқдан азият чекаётган хокисор онанинг қаршилиқ кўрсатишига қарамасдан ўғлоннинг сўзлари волидаи муҳтарамга юрагини юмшати. «Мен ҳам дадам йўлидан бораман, албатта, ҳарбий бўламан. Акам ҳарбий. Отамнинг ишини мен ҳам давом эттироқчиман», дея айтган қатъий фикрдан кейин она рози бўлди.

Ўғилнинг шижоати, аҳди, орзуси она кўнглидаги ҳадикча барҳам берди. Она ўғлининг юзига тикилди ва беихтиёр турмуш ўрғотгани эслади. Шу даҳзаларда она ўзини узок-узокларда полковнал юрти бўлган, Алпомишдек алпни бағрида ўстириб катта қилган Сурхон элида, Жарқўрғоннинг тўй-томоша бўлаётган бир хонадонига кўрди. Хусни ойни уялтирадиган маллохлати сулувлар қаторида кўрди. Қасирқусур қилиб ёнаётган гулхан атрофида лапарларни маромига келтириб қўйлаётган ўн саккиз ёшли Хилола кўз олдида гавдаланди. Ана, ўрнидан туриб қўшигини

йили Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртини битириб, миллий армиямиз сафларида офицерлик фаолиятини бошлаган бўлса, Баҳром курсант бўлди. — Мудофаа вазирлиги томонидан доимий тарзда байрамлар олдидан бизга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишмоқда, — дейди Хилола Шамиева. — Фарзандларимнинг ҳаётда ўз йўлини топишда, уларнинг орзулари улашишда, юқори кўмондонлик томонидан сафларни тўлдириб юришдек бахтга мунясар бўлишида уларнинг муносиб ҳиссалари бор.

Ҳа, айни дамда курсант Баҳром Шамиев Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида ўқияпти. У семиллик касбини эгаллаётганидан беҳад хурсанд. Ватан асл фарзандларини ҳеч қачон унутмаслигини у ич-ичидан хис қилади. Танлаган йўлини шунчаки ҳавас деб эмас, аксинча, муқаддас бурч деб билади. Унинг юриш-туриши, хатти-ҳаракатидан юртининг тинчлиги ва хавфсизлигини, халқнинг фаровон ҳаётини таъминлашда бор куч-қудратини, ақл-идрокини сафарбар этишга шубҳа қилмайсан, киши.

— Ҳар бир машғулотдан янги-янги билимларни ўзлаштирмоқдамиз, — дейди лавҳамиз қаҳрамони. — Ҳарбий илм сирасорларини астойдил ўрганишга бел болаганман. Танлаган йўлимда учрайдиган барча машаққатларни сабот билан енгиб ўтишида отамнинг ўғитилари асқотади. Айтишадими-ку:

Ватан ишқи қалбида гулхан, Фидойилар керак миллатга.

Дарҳақиқат, миллат равнақида фидойи фарзандларнинг ўрни беқиёс. Айниқса, истиқлол қалқонларининг. Ҳашаротларнинг хонишлари тун сукунатини пора-пора қилаётган даҳзаларда, қўлига қурол олиб юрт сарҳадини мардонавор ҳимоя қилиш ҳақиқий эр йигитининг иши. Жаннатноманд ўлкамизда тўғилиб, халқимизнинг панд-насиҳатлари ила воғга етаётган, аждодларимизнинг ўчмас номи қалбига синган, Ватан меҳри кўнглида офтоб бўлган ҳар бир ўғлоннинг ўз шiori бор. Бу — ўз юртини кўз қароғидай асраб-авайлаш, қолаверса, фикру ҳаёли, қалби ҳаммиша халқи билан яқдил бўлишидир.

Ғайрат МАДРАХИМОВ

Ҳарбийлик шарафли ва масъулиятли касб. Аёлларимиз ҳам шу соҳада ўз ўрни ва мавқега эга бўлиб бормоқда. Уларнинг соҳада эришяётган ютуқларини, муваффақиятларини кўриб, «Табиаат айта шундай куч-қувват ато этганики, ўрни келганда, улар жасоратли ишларга ҳам қодир бўла олади», деган таърифнинг нақадар тўғри берилишига амин бўласиз. Шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Феруза Мажидова шижоатли ва фидойи аёллар сарасидан. Унинг ҳарбийлар сафига қўшилишига яқинда беш йил бўлади. Ўз маҳоратини шакллантириб, товланган бу ҳарбийни жамоада барча ҳурмат билан тилга олади.

ҚЎРҒОНИМИЗ ҚЎРИҚЧИЛАРИ

Ҳарбийликдек шарафли касбда хизмат қилиш Ферузанинг энг катта орзуси эди. Бу орзусига эришиш учун мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» шикоти идоиси алоқачилик курсида таҳсил олади ва ўз тақдирини қўли билан болади.

— Акам Қуролли Кучлар сафида хизмат қилади. Унга ҳар доим ҳавасим келган, — дейди биз билан сўхбата Феруза Мажидова. Кейинчалик бу ҳавас орзуга айланди. Касба бўлган кучли меҳр туйғули Феруза шижоатли энгис саноат касб-хунар коллежини татомлаганидан сўнг ўз тақдирини ҳарбий соҳа билан болаша қарор қилди. Қарорини ота-онам ҳам қўллаб-қувватлади. Бу эса менга катта далад бўлган. Кўча-кўйда менга ошора ҳавас билан қараётганлари жуда кўп кўраман. Ана шундай вақтда қалбимда гурур ҳисси жўш уради. Мен ҳам юртининг асл фарзандлари қаторида тинчлик ва осойишталикни сақлашга ўз ҳиссамни қўшаётганимдан қуввонаман. Бу эса менга куч-қувват ва шижоат ато этди. Касби — менинг фахрим.

Ферузанинг жамоаводиси, шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Шарофатхон Маҳкамова: — Феруза билан уч йилдан буён бир жамоада хизмат қилиб келаяпти. У жуда ошқўрғич ва самимий аёл. Яхши дўст ва маслаҳатдош. Тажрибали ҳарбий хизматчи сифатида ўз зиммасига юклатилган вазифага ишонган ёндашди ва сифатли қилиб бажаради. Бу унинг ўз устида тинимсиз меҳнат қилиши натижасидир. Соҳа бўйича ҳеч кимдан ўзининг беминнат ёрдамчини аямайди. Шу боис ҳам жамоамизда ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлиб келмоқда.

Ҳарбий хизмат фидойиллигини талаб қилади. Лекин шу соҳада хизмат қилаётган аёлнинг олдига ошра деб аталмиш муқаддас кўрғон ҳам бор. Демак, у шикки қарра фидойи бўлиши керак. Бу эса аёл кишидан жуда катта куч-қувват, сабр-тоқат талаб қилади. Феруза Мажидова ҳам Сардорбек ва Севарахонларнинг меҳрибон ойна-жониси. У ҳам уйда келганидан сўнг фарзандлари учун мағзали таомлар пиширади, уларнинг дарс тайёрлашларида кўмаклашади. Бундай вазиятни четдан кузатсангиз, бахтли она ва бахтиёр фарзандларнинг чеҳраси кўз ўнгингизда намоён бўлади.

Фарзандлар қамолдани ширинлиқ ҳиссини туйиши қўнишларга ажиб тароват бахш этади. Зеро, аёлнинг бахти ошиса, фарзандлари билан бутун. Фарзандларнинг соғ-саломатлиги, шод-қувноқлиги ҳар қандай ота-онанинг кўнга қувват ва ишига унм беради. Бу ҳаётини ҳақиқатини қаҳрамонимиз ҳўрти мисолида ҳам кўриш.

Гулнора МУРОДОВА

14-yanvar — Vatan himoyachilari kuni

ОСУДА КЕЛАЖАК КАФРОПАТИ

бугунги ёш ҳарбийларнинг қўлидадир

Юрт шаъни — улуг, Ватан ҳимояси — муқаддас. Садоқат ҳисси билан яшаш, Ватан тараққиёти учун дахлдорлик туйиш ҳар бир мард йигитнинг олий бурчи ҳисобланади. Юртдошларимиз сарҳадларимиз осудалиги, халқимиз тинчлиги ва фаровонлигини довиюрак аскарларимизнинг интеллектуал салоҳияти, билагидаги куч-ғайрат ҳамда кўзларида акс этган шижоат чўғида кўради.

Мамлакатимизда ҳарбий соҳани замон талаблари даражасида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Аскарларнинг етарлича шарт-шароитларда яшати, энг илғор технологияларни ўзлаштириши, ҳарбий маҳорати ва билимининг орттириши учун ҳарбий қисмларда катта имкониятлар яратилган.

Бу борада мамлакатимизда болалигидан ҳарбий либосни кийишга орзуманд бўлган ёшларнинг эзгу мақсадини амалга оширишга кўмаклашиб келаятган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «ЖАР» спорт соғломлаштириш мажмуаси қошидаги Ҳарбийлаштирилган махсус мактаб-интернати (ХММИ) алоҳида ўрин тутади. Мазкур таълим муассасасининг фарзандларимизни она юртва садоқат ва муқаддас бурчига юксак маъсулият руҳида камол топишларида қаратилган фаолияти давомида эришяётган ютуқлари диққатга сазовордир.

Ушбу ўқув маскани ўсмирларда умумтаълим фанлари билан бирга ҳарб ишларига бўлган иштиёқни янада ошириб, тартиб ва қондаларга қатъий риоя қилишлари учун дастлабки кўникмаларни ҳосил қилиш ҳамда турли вазиятларга тайёрлаб боришни мақсад қилган, — дейди мактаб-интернат директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Масъуда Аҳраева. — Қолаверса, уларнинг келажакда шу йўналишга ихтисослашган олий ўқув юртлирига имтиёзли

ёрдамида ишлашлари учун қўшимча шароитлар ҳам ҳозирланади.

— Мактаб-интернатимиз ҳозирги замон илгор техникага воситалари билан таъминланган компьютер синфлари, чет тилларини ўрганиш учун мўлжалланган лингафон хонаси ҳамда шинам ва кенг синфхоналарга эга, — дейди ҳарб ишлари бўйича бош маслаҳатчи, истеъфодаги полковник Шуқур Чинаминов. — Мактабимизда ахборот-ресурс маркази фаолияти ҳам йўлга қўйилган. У дарсликлар ва бадиий адабиётлар билан йилма-йил бойитиб бориляпти. Шунингдек, ўқув биносига зарурий қулайликлар мўжай. Жумладан, мушюк мебель ва турли ўқув-методик қўланмалар билан жиҳозланган. Дарслар малакали кадрлар томонидан янги педагогик технологиялар асосида олиб борилади.

Ушбу таълим муассасаси фақатгина яратилган шарт-шароит жиҳатидан эмас, балки ўқувчиларнинг фаолиги, билимдонлиги ва спортсеварлиги билан ҳам мамлакатимизда ўз кифасини яратяётган ҳарбийлаштирилган мактаб-интернатлардан биридир. Боиси, ушбу таълим муассасасида ўқувчи ўташ чоғида мардларча ҳалок бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳамда Қуролли Кучларимиз бўлиналари ҳарбий хизматчиларининг иктидорли фарзандлари ташкил этади. Махсус ҳарбий имтиҳон ва тиббий текширувлардан ўтган ўқувчи мактабга қабул қилинади.

Қайси соҳада таҳсил олмасин, ҳар бир ўқувчи тақдорламиданган ҳар ўз дунёқарашига, характерга эга. Мактабда болаларнинг ана шундай ўзига хос хусусиятлари етарлича инобатга олинади ҳамда уларнинг ўзлари хоҳлаган тарзда кўпроқ билим олишлари, ўз устида муस्ताқил ёки мураббий

ХММИда умумтаълим фанлари билан бирга ҳарбий дипломатия, ҳаҳон адабиёти, этика, мантик, инглиз, рус, испан ва немис тиллари, информатика фанлари ўқувчиларга чуқур ўқитилимоқда. Бунинг улкан самарасига мактаб битирувчиларининг ақсарияти ўзлари истаган олий ўқув юртлирига қабул имтиҳонлари топириш чоғида бевосита зарурий бўлишмоқда: улар тест синовлари ва жисмоний кўриклардан қўйинчиликсиз ўтишмоқда. — Отам ўз хизмат бурчини адо этиш пайтида ҳалок бўлган, — дейди 8-«А» синф ўқувчиси Тоҳир Маннопов. — Отамга муносиб фарзанд бўлиш учун ўзинг севган касбини давом эттиришни орзу қиламан. Мақсадим ҳам отамдек кўркмас, фидойи ҳарбий, юрт посбони бўлишдир. Қадрдон мактабимизда кўплаб иктидорли тенгдошларим билан шу мақсад йўлида таҳсил оляпмиз.

Ҳа, оилаларимизнинг мустаҳкам асосга эга бўлишида, болаларимизнинг ҳар томонлама соғлом ҳолда ҳеч кимдан кам бўлмаи ўлғайишларида, бобою момоларимизнинг мунаввар тонглари хотирхам кўтиб олишида кечани кеча, кундузани кундуз демая, Ватанин ёвуз нигоҳлардан қўриқлаётган жасур йигитларнинг ҳиссаси беқиёс. Мақоламизда тилга олган мактаб фаолияти, ундаги ўқув-тарбиявий жараён, ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги муносабатни умумлаштирсак, Қуролли Кучларимизнинг эртанги кўни ҳам ишончли қўлларда эканига амин бўламиз.

Шаҳина ЖўРАЕВА, «Ma'rifat» мухбири

ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

Темурийлар тарихи давлат музейи... Ғўзал нақшлар билан безатилган муаззам суратга тикилган болакай ҳаёл оғушида. Дам-бадам қоқиб қўяётган киприклари аро қора кўзлари Соҳибқирон Амир Темурнинг мардонавор нигоҳларига тушганда бутун вужудда бир ўзгариш сезади, шурига бир илиқлик киргандек бўлади. Улуг салтанат соҳибни уни мана шу жаннатноманд юртини кўз қорачиғидек асрашга, унинг тинчлик ва осойишталигини сақлашга чорлаётгандек бўлаверади...

Мамлакатимизда амалга оширилятган кенг қамровли ёшлар сиёсати жисмонан ва маънан соғлом, доно ва билимли, юртининг дилдан севадиган, Ватан олдидаги бурчига содиқ авлодчи қамолга етказишга қаратилган. Халқ таълими вазирлиги томонидан «Ҳарбий ватанпарварлик» оилиги эълон қилиниб, режа асосида изчил амалга оширилятган тадбирлар билан мана шундай эзгу мақсад мунясам. Ойлик доирасида таълим муассасаларида байрам шуккуҳига мос шиорлар ва деворий газеталар билан безатилган синфларда Мудофаа вазирлиги томонидан бириктирилган масъуллар ва фахрийлар ёрдамида «Жасорат дарс-



Мазкур дарс соатларида ёшлар онига мамлакатимиздаги бутунги осуда ҳаёт, тинчлик ва хотирхамликнинг замирида, аввало, муҳтарам Президентимиз томонидан олиб борилятган оқилона сиёсат, барча соҳаларда бўлгани каби республикамиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилятган ислохотлар, қолаверса, аскар ва зобитларимизнинг туну кун Ватан олдидаги фарзандлик бурчинини сидқи мисоллар билан очиб берилмоқда. ...Асрлар довларидан ошаётган ҳаёлларни бузишга ийма-

Дилшод КАРИМОВ, «Ma'rifat» мухбири

Таниқли ёзувчи Абдуқаҳор Иброҳимовнинг «Биз ким, ўзбеклар» китобининг тўртинчи наشري куни кеча «Шарқ» нашриётида босилиб чиқди. Унга академик Азиз Қаюмов сўзбоши ёзган.

Куйида шу сўзбоши қисқартириб чоп этилмоқда.

Давримизнинг етук адиби, драматурги ва публицисти Абдуқаҳор Иброҳимов асарлари орасида «Бизким, ўзбеклар» китоби алоҳида ўрин эгаллайди. Бу асарда адиб ўз халқига муҳаббатни қуруқ шиорлар орқали эмас, балки жуда кўп илмий-адабий маълумотлар, уларнинг шарҳи, уларга муаллифнинг муносабатини билдирувчи мазмундор мулоҳазалар билан бойитган ҳолда изҳор этади. Айни замонда бу муҳаббат китобнинг ҳар бир бобида, ҳар бир кўтарилган масалада, ҳар бир саҳифасида нур сочиб ярақлаб туради.

«Бизким, ўзбеклар» ўзбек халқи тўғрисидаги илмий-оммабоп, бадий-сиёсий қомусчага ўхшаб кетади. Унда сиз ўзбек халқининг қадимий аждоди, миллий шаклланиши, миллий давлатчилиги ва унинг ҳудудлари: ўзбекларнинг ўзига хос хусусиятлари...боринги, бир халқ, бир миллат нима билан тирик бўлса, шулларнинг ҳаммаси тўғрисида тасаввур пайдо қиласиз, ўзингизнинг кимлигингизни яхши тушунасиз.

Китобдаги А.Иброҳимовнинг тарих фани, унинг вазифалари, мафқурага оид билимлар тарғиботи ва шарҳлари ҳар бир зиёли инсон учун керакли билимлар ҳаммуҳидир.

«Бизким, ўзбеклар» ўзбеклар ҳақида ўзбекона, аниқ, чуқур, меҳр билан ва, энг асосийси,

Iqtibos



МАЛАКА ОШИРИШ

таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш ва касбий маҳоратни оширишнинг асосий бўғини

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар Ватанининг тақдир, бугуни ва келажаги учун масъулятни чуқур ҳис этадиган, мустақил ва янги-ча тафаккурга эга баркамол шахсни вояга етказиш, ўқитиш таълимни сифат ва мазмун жиҳатдан янада юқори поғонага кўтаришга хизмат қилмоқда.

Шу маънода айтиш кераки, таълим соҳасида олиб борилётган тизимли ишлар баркамол авлод тарбиясида ўзининг ижобий самараларини бериб келмоқда. Таълим самарадорлигини аниқлаш, ўқув машғулотларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, ўқитишнинг замонавий методлари, инновацион муҳитни ҳосил қилишга ижодий ёндашиш бугунги куннинг муҳим талабидир.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимни ривож-

этиш масалалари чуқур таҳлил этилди.

Бошқарув психологияси, олий таълим тизимида ходимларни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари, бошқарув маҳорати ва раҳбарлик масъуляти, бошқарувда нотиклик санъати ва муомала маданияти масалалари малака ошириш курсининг тўртинчи кунининг асосий мавзуси бўлди.

Малака оширишнинг бешинчи кунида Ўзбекистонда инсон тараққиёти концепцияси: мақсадлари, вазифалари, натижалари, педагогик технология ва ўқитишнинг интерактив усуллари ҳамда уни ўқув жараёнига татбиқ этиш масалалари ҳар томонлама ўрганилди.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш бўйича ҳужжатлар лойиҳасини тайёрлаш тамойиллари, амал қилаётган ҳужжатлар билан ишлаш тарти-

би, факультет ва кафедраларнинг йиллик, семестрлик, бир ойлик иш ва тадбирлар

Jarayon



КЕНГ ҚАМРОВЛИ АСАР

хослик билан ёзилган асардир. Бундай китоб шу вақтгача бизда йўқ эди, десам, фикримни муболағига йўймаг. Чунки оммавий услубда, барчага тушунарли тил ва йўсинда ёзилган, ўзбек халқининг теран томирлари таҳлил ва тадқиқ этилган, унинг олис мазоидига кўчманчи ва ўтроқ ҳаётдан ҳозирги кунларимизгача босиб ўтган оғир ва мураккаб, лекин ўзига хос нури, порлоқ заковатлар билан яншаган ҳаёт йўли, ҳавас қилгулик анъанаю удумлари, дину диёнати, ахлоқу одоби, маънавиятню маърифати яхлит равишда, меҳр-муҳаббат билан яратилган бундай асаримиз йўқ эди.

Бу китоб бекорга қисқа мuddат ичида тўрт марта нашр этилгани йўқ. Турли йўналишдаги олимлар, мутахассислар — тарихчи, этнограф, файласуф, журналист, педагоглар бу китобдан ўзларига керакли улги олдилар. Ижтимоий йўналишдаги муаллифлар ўш дарслик ва қўлланмалари учун ундан ижодий фойдаландилар...

«Бизким, ўзбеклар» китобининг қимматли фазилатларидан яна бири шундаки, у на тарихан ва на замонавий жиҳатдан ўзга халқлар, ўзга мамлакатлар томоғрасига тош отмайди, ёритилган барча масалаларга тарихан ҳаққонийлик ва хослик билан ёндашилди.

«Бизким, ўзбеклар» айнан ёзувчининг идрокки ва талқини орқали дунёга келган, тарихимизнинг мароқ билан ўқуладиган соғномасидир. Бу китоб ёзувчининг деярли 40 йиллик изланишлари, тўплаган бой материаллари, уларнинг манбаида тузилган чуқур ва синчков мулоҳазаларнинг қимматли мевасидир. Унда халқимизнинг энг ибтидоий қадамларидан мустақиллик давридаги энг янги тарихгача бўлган тарих қараб олинган.

Муаллиф тарихимизни, миллий давлатчилигимиз асосларини таҳлил қилар экан, унга турли тоmondan ёндашди, илмий, бадий, диний, фалсафий жиҳатдан ўрганади.

«Маърифат ва маънавият ўчоқлари» бобида халқимиз маънавий жиҳатдан бой тарихга эга эканлиги, маърифат марказлари ҳақида гап кетади... «Давлатимизни юз йил бошқарган» сулола ҳақида ёзганда, теурийлардан кейин ҳокимият тепасига келган шайбонийлар ҳақида гапириб, уларнинг ўзбек давлатчилигидаги хизматларини муносиб баҳолайди ва шайбонийларнинг теурийлар билан қон-қариндosh эканлигини тарихий омиллар билан исботлайди. «Шайбонийлар ҳам худди теурийлар сингари бунёдкор сулолалардан эди», деб ёзади.

Абдуқаҳор Иброҳимов бутун тарихимизни чуқур мазмунли маданиятимиз, давлатчилигимизни ўш мушоҳадасидан ўтказди, ўз кўзи, ўз ақл-идроки орқали ўзига хос талқинини беради. У ёзувчи ва олим кўзи билан таҳлил қилади. Муаллиф тарихимизнинг сиёсий манзарасини ўш билим, идрок-мушоҳадаси орқали бу ватани севувчи, унинг тақдирига бефарқ қарамайдиган бунёдкор, иждоқор сифатида ёндашди. Булар давлатчилик тарихимиз ҳақида бир-бутун мантиқий қарашлар тизимини вужудга келтирди. Бу ёзувчининг дунёқараши билан қўшилиб, тарихийлик, мантиқийлик асосида бир-бирига ҳамохангликни ташкил этади. Бунча баралла Абдуқаҳорнинг хос ижоди деб аташга ҳақлими...

А.Иброҳимов миллий гоғамизнинг энг муҳим

томони бўлган миллий давлатчилигимиз асослари ҳақида ўш мулоҳазаларини билдирганки, бу китоб тарихчилар, файласуфлар, ҳуқуқшунослар ҳамда ёзувчилар учун ибратли, кенг қўламли ҳужжатдир, деб ҳисоблаймиз.

Муаллиф ушбу асариди турк ва туркий истилоҳларнинг маъноси, уларнинг ўтмишда ва ҳозирда қандай тушунчалар ағлатганини, улар ўртасидаги фарқларни тушунтиришда ижодий ёндашди, синчковлик билан мулоҳаза юритади, ёзувчи, публицист таҳлилдан ўтказди.

Асарнинг «Ўзбекнинг этник таркиби» деб номланган боби ҳам қизиқарли мушоҳадаларга, ибратли фикр-мулоҳазаларга бой. Ўзбек халқининг биринчи қатлами Туронзаминда жуда олис замонлардан бошлаб яшаб келган хоразмлик, фароналик, сугдиёналик, бактриялик, шовшк ва, шунингдек, соқ, массагет, қушон деб аталган аждодларимиздир, кейинчалик буларнинг сафига барлос, жалайир, кенегас ва шу каби ўнлаб туркий уруғлар келиб қўшилиб кетишган, деган фикрлари тарихий ҳақиқатга мос.

Асарнинг қиммати шундаки, унда бир қатор муаммолари, тарихий тадқиқотларга муҳтож бўлиб турган масалалар ўртага ташланди. Муаллиф давлатнинг келиб чиқиши, давлатнинг мазмун-моҳияти ҳақида советлар даврида берилган ту-

шунчаларнинг сохталлигини, асоссизлигини тўғри тушунтира олган.

«Бизким, ўзбеклар» бадий публицистика жанрининг ёзувчи-олим публицистикаси кўринишида ёзилган. Бошқача айтсак, тарих, бугунги кун ва келажақ А.Иброҳимов публицистикасида фикран умумлаштирилган ҳолда сайқал толган. Бизнингча, бу тарих тажрибасини оммага сингдириш йўлида қўйилган муҳим қадам бўлган.

Миллий ифтихор туйғуси тарбиясига хизмат қилувчи мазкур китобда Ватанимиз тарихига, тарихий маълумотларга, илмий назар билан бирга, ёзувчи илгор зиёли ўқиш билан қараб ёндашгани тўғрисида асар ўқишли қиққан.

Китобда барча учун қизиқарли ва зарур бўлган кўпмаъlumлар берилган. Шулардан бири: «Алишер Навоий 26 мий 35, Александр Пушкин 21 мий 193, Уильям Шекспир 20 мийдан ортик, Мигел де Сервантес 18 мийдан ортик, Абдураҳмон Жомий 17 мий 600, Абдулла Тўқай 14 мийдан ортик сўзни ўш бадий ва илмий асарларида ишлатганлар...».

«...Чиндан-да, бизким, ўзбекларнинг тафаккур уммони буюқдир, сўзимизда, сўзларимизда шу уммоннинг томчилари ифодаланди, уммонимиз бемисл бўлгани учун ҳам сўзларимиз кўп, буни Навоий бобомиз ҳам исботлаб ўтганлар, шу боис биз миннатдор авлод вақили сифатида ул муҳтарам зотни тилга олиб ўтдик».

«Бизким, ўзбеклар» китобининг мундарижаси шу қадар кенг қамровлики, унинг ҳар бир боби тўғрисида катта-катта мақолалар ёзда бўлади.

Яна бир жиҳдий масала — Бобур ва Шайбонийхон ўртасидаги муносабатларга ҳам А.Иброҳимов яхши ечим топиб берган: «Тўғри, улар бир-бирларига мухолиф шахслардир. Лекин бу мухолифлик икки халқнинг икки фарзанди ўртасидаги зиддият эмас. Улар бир халқнинг икки фарзанди ўларoқ, мамлакатда ўш ҳокимиятини ўрнатиш учун курашган тарихий шахслардир». Мен бу фикрга тўла қўшиламан. Ана шу тезис бу муаммони конкрет тарихий факт ва илмий мантиқ асосида ҳал қилинганлиги билдиради.

Ушбу китобда илмий-тарихий фактлар серoб ва улар ўрикли равишда келтирилган. Табиий-жўғрофий ҳолатлар тарихига оид ахборотлар қизиқарли йўсинда изохланган: Сирдарёнинг Амударёга қуйилганлиги; каналлар қазилиши тарихи; Ясси, Форoб, Ўтрoр каби шахсларнинг кўплиги; Мўғулистон тарихий жиҳатдан учта бўлганлиги; Осиёнинг маркази қаердалиги; туркий халқлар ичида биринчи бўлиб қайси халқ ўтроқлашгани; кишлов ва ёзлов — халқнинг ҳаётий тажрибасидан келиб чиққан ижобий тамойил эканлиги; аждодларимиздан Жавҳарийнинг дунёда илк бор қанот ясаб учганлиги ва ҳоказo.

Бундан роса 11 йил аввал китобнинг биринчи наشري ҳақида ёзган мақоламада («Ma'rifat», 2000 йил 1 июль) «Бизким, ўзбеклар» китобини муҳтарам адиб Абдуқаҳор Иброҳимовнинг шоҳ асари деб биламан. Бу китоб тўғрисида ҳали кўп фикрлар билдирилмоғига имоним комил», деб ёзган эдим. Утган давр шу фикрнинг тўғрилигини тўлиқ тасдиқлади.


Азиз ҚАЮМОВ,
филология фанлари доктори,
академик

режасини шакллантириш, келишиш ҳамда расмийлаштириш, ўқув машғулотлари натижаларини умумлаштириш ва танқидий таҳлилни йўлга қўйиш масалалари малака ошириш курсининг сўнги куниди атрофлича муҳокама қилинди. Ўтказилган машғулотлар сарҳисоби сифатида малака ошириш жараёни тест синовлари билан яқунланди.


Малака ошириш жараёнида ўрганилган ҳар бир мавзу кенг қамровли бўлиб, улар мазмунини ёритишда ўқитишнинг интерфoл усулларидан кенг фойдаланилди. Мавзуларни ўтиш учун тажрибали, юқори илмий салоҳиятга эга профессор-ўқитувчиларнинг жалб этилиши ҳам малака оширишнинг фойдалилик коэффициентини оширди. Жараёнда ўрганилган барча мавзулар Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остана-сида» асарида олднинг сурилган фикрлар билан асосланган ҳолда ёритилди.

Хулоса ўрнида айтиш ўринлики, касбий ва педагогик маҳоратни доимий равишда ўстириш, ўқув-тарбия жараёнини юқори илмий-методик даражада олиб бориш, ўқитишнинг интерактив методларини қўллаш, касбий билимлар, малака-қўникмаларни мунтазам равишда янгилаб бориш соҳа вакилларининг доимий эътиборида бўлмоғи зарур. Зеро, Республикада амалга оширилаётган кадрлар тайёрлаш миллий дастурида қўйилган талаблар юзасидан белгилан берилган вазифаларнинг тўлиқ ва самарали амалга оширилиши, энг аввало, олий таълим муассасасида фаолият кўрсатаётган ҳар бир профессор-ўқитувчининг илмий салоҳиятига, назарий-амалий билимларни пухта ўзлаштирганлик даражаси ҳамда педагогик маҳорати каби омилларга боғлиқдир.

Абдурашид ХАКИМОВ,
Тошкент давлат иқтисодийт университети магистратура бўлими бошлиғи



Боланинг қўлида «Алломиш» достони. Унинг ҳар бир жумласидан мардлик ва жасурлик «ҳиди» келиб турибди. От устида турган Алломиш қанчаллик улғувор ва савлатли! У билан хаёлан суҳбатлашган бола беихтиёр унга ўхшагиси келди. Орузга айб йўқ. Бола ширин хаёл оғушида матни тўхтаган жойидан давом эттирди: «Алломиш чўпонларнинг қўшхонасидан отланиб келаётиб эди. Тойчи вилоятида, Қалмоқ музофотида, Чилбир чўлида Муродтепа деган тепаси бор эди, ҳаддиди бандан тепа эди, устидан қанотли куш учиб ўтолмас эди, ҳар қандай одам чиқиб, оёқ ости қилиб кетолмас эди. Шу тепани кўриб, Алломиш ирим чекиб: «Шу тепага отимни солайин, ирилмай тепага отим чиқиб кетса, боргандан ёримни оламан, чиқолмаса, бориб нима қиламан, борган билан бекор аҳмоқ бўламан, пешонамни шу ердан синаб кўраман», — деди. Отни тепага тўғри қилди, тўғридан чилтанлар ҳам берди, қирқ миң отнинг дубири пайдо бўлди. Алломиш кўнглида ёрини олмаса ҳам олганча бўлиб қолди. Тепанинг устига чиқиб қараса, ўн миң уйли Кўнгиротнинг эли кўриниб турибди, отни қовдонга қўя бериб, тепанинг бошида ёнбошлаб, Бойсарининг уйига тиклаб ёта берди».



МАРДЛИК

(ўн учинчи мақола)

АЛЛОМИШГА ЎХШАГИСИ КЕЛДИ

Қалингина бу китобни ўқиб бошлаганидан бери боланинг кўз ўнгиде афсонавий қиёфадаги мард ва жасур Алломиш гавдаланади, гавдаланаверади. Камону ўқ билан қуролланган бу ўғлонга боланинг ҳаваси келади. Мард ва жасур бу одам қайси замонларда яшаган экан-а? Фалакнинг гардиши айланиб, Алломиш ҳозирги замоннинг одами бўлиб қолса-ки? Тирик қаҳрамон билан юзма-юз бўлиш бутунлай бошқача бўлса керак-а? Китобдаги образ билан тирик қаҳрамон орасида барибир ўхшашлик бўлади. Энг муҳими эса, ўғил болаларнинг ҳаммаси Алломишга ўхшагиси келади.

Саҳобиддин дoston мутолаасидан завқ олади, кўзлари китоб саҳифаларига дур каби териб чиқилган сўзларни тезликда ўқийди, ўқийверади. Дафвотан отаси Муроджон аканинг «Ўғил бола мард бўлиши керак» деган гапи қулоғига тақроран қуйилади.

...Алломишнинг келбати, гуруриги орига, элпарварлиги га хавас қилган бу болакай — Саҳобиддин Раҳмонов, у Фаргона вилоятининг Учкўприк туманидаги 2-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг энг фаол ўқувчиси. Унинг Алломишга хавас қилиши замирида аждодларимиз, ота-боболаримиз ардоқлаган энг улуг хислат — мардликка интилиш туйғуси бор. Алломиш сингари мард бўлиб воёга етаётган бундай ўғлонларимиз кўп, демак, аждодларимиз қадрлаган бу инсоний хислат бугун яна ҳам улғуланмоқда...

Мард инсон деб қимни айтишда кўпчиликнинг фикри бир жойдан чиқибди ва ўхшаш бўлиши табиий. Бир сўзли, қатъиятли, лафзи ҳалол, бошлаган ишни охиригача етказадиган, қимнингдир ёрдамга муҳтожлигини сезиши билан кўмаклашишга шайланадиган, мураккаб ва қийин вазиятдан ўзини четга торتماйдиган, аксинча, қўлидан келган хизматни ҳеч қимдан, ҳеч қачон аямайдиган кишини мард ва танги, ҳалол ва виждонли, деб айтишга тўлиқ асос бор.

Тиббиётда дезоксирибонуклеин кислота (ДНК), яъни ирсий белгилар билан бир вақтда ота-она феъл-атворидаги сифатлар ҳам болаларига асариёт ҳолларда ўтиши мумкинлиги кузатилади. Демак, инсоний хислатлар авлодлар ўртасидаги риштан муस्ताҳкамловчи омиллардан ҳам биридир. Ота қандай бўлса, ўғил шундай, она қандай бўлса, қизи шундай, деган фикрнинг давраларда кўп айтилиши бежиз эмас.

Наргиза Наврўзова, Бектемир туман солиқ инспекцияси ходими:

— Учинчи синфдалик пайтида отамдан жудо бўлдим. У киши мард ва танги бўлганиги учун хонадонимиздан одам аримасди. Айрим ўзига тўқ кишилардан муҳтожлар ёрдам сўраб келса, имконияти бўла туриб, рад этиши мумкин. Отам эса рўзгориде нимагадир мўлжаллаб қўйган пулни қарз сўраб келган кишига бериб юборганига кўп марта гувоҳ бўлганман. Қилган савоби ишини бир жойда гапирмасди ёки миннат қилмасди. «Сўзинг синса ҳақ ўзинг синмагин, қатъиятли бўл, мард бўл, қўлингдан келганча одамлардан ёрдамнинг яъма, ҳеч қимнинг олдида бебурд бўлиб қолма. Агар айтган гапингнинг устидан чиқсанг, олдинги қўйган максдага эришиш учун қатъий ҳаракат қилсанг, бор имкониятлардан фойдалансанг, яхши инсон бўласан, қизим» дея опаларимга панд-насихат берганини кўп эшитганман. Мен ҳали гўррок эдим, кейинчилик улғайиб, оқ-қорани таный бошлагач, отам раҳматли айтган ўша гапларга опаларим риоя қилишларига гувоҳ ҳам бўлдим. Мен ҳам улардан «андоза» олдим. Онам раҳматлида эса гайрат-шижоатни кўпроқ кўрардик. Турмушдаги воқеа-ҳодисаларга муносабат билдиришда ота-онамиздан бизга ўтган бу ихобий хислатлар ўз-ўзидан намоён бўлади. Бу «Куш уясида кўрганини қилади» деган нахлинг яна бир исботи бўлса керак.

МАРДЛАРНИ ЭЛ УНУТМАЙДИ

Ватан осойишталиги, элнинг тинчлиги, юрт фаровонлиги йўлида ўзини қўрбон қилган кишиларга фақат «мард ва жасур» деган таъриф берилади. Бу хислат билан фарзандига исм берган ота-оналар бор. Жасур, Қаҳрамон, Ботир, Азамат исмларини фарзандига қўйган ота-она уларнинг айнан шу хислат эгаси бўлишини оруз қилади...

Самарқанд вилоятининг Пайарик туманида туғилиб воёга етган ва ўз хизмат бурчини Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туман ички ишлар бўлимида ўташ чоғида элу юрт осойишталиги учун ўз жонини қўрбон қилган Отабек Қуватов ҳам мард ва жасур ўғлонлардан бири эди.

Тўрт ўғилнинг иккинчи —

нинг Уйчи туманидан ўтадиган қисмида қурувчилар гуруҳи ишлашарди. Фавқуллода вазиятлар вазирлигининг Наманган вилоят бошқармасидан жалб қилинган ходимлар мавжлаби оқётган дарёнинг ушбу қисмида оқимни нормаллаштиришга хизмат қилувчи дамбани кўтариб бўлиб, кетишга чоғланаётган пайтда беҳоссад капитан Фолибжоннинг юраги қинидан чиққудек уриб кетса бўладими? Е, алҳазар, дарёда бир одам оқиб кетаяпти-ку. Ана, дам боши, дам оёқ-қўли кўриниши беради. Ие, у қўлини кўтарди, шўрлик ёрдам сўрапти шекилли, аммо гапирибди дарёнинг кучли оқими ҳалақат бермоқда. Бундай кезде сузишни билмаган одамга қийин. Билса-ку, бир амаллаб қирғоққа чиқиб олиши мумкин. Вазият танг, жон ширин, нима қилиш керак?

Фолибжон Умрбеков қирғоқ бўйлаб югурди, дарё суви буриладиган жойни мўлжаллаб, оқиб келаётган одамни «нишонга» олди. Устки қийин бошларини дарҳол ечиб, харсанг тошга қараб сузиб кетди. Қурувчилар бир-бирига маъноли қарашади, мард бўлиб дарёга ўзини отадиган одам топилшини кутиш — вақтни бой бериш, бир инсоннинг ҳаётдан кўз юмишига томошабин бўлиб туришдек кечирилмас ҳолат...

Дарё сувидан аъзойи-бадан жунжикса-да, у оқиб кетаётган одамни бемалол «тутиб» олди, нажот қалъаси — харсанг тошга бир амаллаб қиришда Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси фельдшери Улуғўжа Камолов Фолибжонга кўмаклашиб юборди. Мард йигит экан, унинг кетидан ўзини дарёга отибди. Улуғўжа энг қийин лаҳзаларда капитанга мададкор бўлиб, сувдан олиб чиқилган кишига биринчи тиббий ёрдам кўрсатди. Унинг кўкрак қисмини эхтиёткорона босиб, танасига кириб қолган суви чиқарди, йигит дарҳол ўзига келди. Жабрдийда Норин дарёсининг Учкўрғондан оқиб ўтувчи қисмида қўл ювман деб, эхтиёсизликдан дарёга тушиб кетибди. Ноғиронлиги сабаб ўзини бошқара олмаган. Хар қалай кўтарки қолинган одам воқеани узук-узук ҳикоя қилган бўлди, зум ўтмай, «Тез ёрдам» машинаси етиб келди...

Ўша куни кечга бориб, Фолибжонни қаттиқ иситма туғди. Тинмай йўталар, бурнидан сув оқар, кўзи ёшланиб, нима қилишини билмасди. Уни Наманган шаҳар касалхонасига олиб боришларига тўғри келди. Бир ҳафталик муолажадан сўнг ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб, оила аъзолари ёнига қайтди. Шифохонадан кайтганининг иккинчи ёки учинчи куни бўлса керак, хонадонларига бир отахон келиб, қўли кўксиде уни дуо қилди:

— Ўғлим, мард йигит экансиз, ноғирон боламини кўтарки қолибсиз, олдингизда бир умр қарздоримиз!

— Мен бор-йўғи хизмат бурчимни бажардим, бу соҳада ишламаган тақдиримда ҳам инсоний бурчимни адо этган бўлардим, — дея жавоб қайтарди Фолибжон ва беихтиёр қайсидир китобда ўқиган ҳикमत эсига тушди: бахтли бўлишни истаган киши жуда кўп дуо

олиши, одамларнинг қалбига йўл топа олиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармониға мувофиқ, Фавқуллода вазиятлар вазирлигининг 15 йиллиги муносабати билан 2011 йилнинг 4 мартда Наманган вилояти фавқуллода вазиятлар бошқармасининг бўлинима бошлиғи, капитан Фолибжон Умрбеков «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланди. Бундай оқсак эътирофга муносиб топилаган, мардлиги ва жасурлиги, инсонпарварлиги тан олинган юртдошларимиз билан фархланамиз!

ҚАНДАЙ ТАРБИЯПАШ ПОЗИМ?

Фарзанд дунёга келиши билан ота-она уни соғлом, бақувват, эпил, чакқон, ақлли ва тадбиркор қилиб тарбиялаш барибарда, боланинг барча инсоний хислатларни эгаллаши учун ҳам қайгуради, бунинг учун барча имкониятларни ахтарди. Агар ота мард ва ҳалол, она меҳнатқаш ва оқила бўлса, фарзандлар ҳам уларнинг кетидан эргашади. Оилавий муҳит, ундаги ижобий аъёнана, тартиб-қоидаларини иккинчи бир даргоҳ — мактаб тўлдирди, бойтади ёхуд кенгайтиради. Ҳўш, фарзандларимиз онгда мардликни, ватанпарварликни, жасурликни қандай мужассамлаштириш, тарбиялаш лозим? Эл бошига кулфат ёки мусибат тушса, мард бўлиб, майдонга чиқши, уни хавф хатардан асраш, керак бўлса, жонини қалқон қилиш туйғуси уларга қандай сингдирилади? Тарбия деб аталган энг завворли ва маъсулйатли вазифада бу саволларга аниқ ва лунда жавоб ҳаммиса тайёр бўлиши керак.

Саноабар Ҳасанова, Тошкент шаҳридаги 249-умумтаълим мактаби ўқитувчиси:

— «Миллий гоъ» туркумидаги фанларнинг ҳар бир мавзуси қизиқарли ва ранг-баранг бўлгани учун ўқувчиларни оҳнарабодек ўзига тортади. 5—9-синф дарсликларидеги мавзуларнинг барчасида миллий урф-одатларимиз, аъёнана, инсоний фазилатлар улғуланади. 5-синф «Ватан туйғуси» дарслигида «Бир қарич ер» ривояти берилган. Ривоятда бир қарич ерни ҳам душманга бериб қўймаслик гоъси илгари сурилади. Хоразмшохлар сулоласи вақили Жалолиддин Манғубердиннинг мардлиги, душман олдида тез чўқмаслиги, мўғул лашкарбошиси Чингизхон унинг мардлиги, ватанпарварлигини кўриб ҳайратга тушгани ҳам ўқувчиларда айнан шу каби хислатларни шакллантиради. Мавзуларини ўқишда қуруқ баён қилиш эмас, балки «Кластер», «Ақлий ҳужум» усулларидан фойдаланиш натижасида ўқувчиларимизнинг фикри теранлашгаётганини сезялман. «Энг гўзал хислатлар» мавзуси бўйича ижодий иш ёган ўқувчиларим ватанпарварликни, мардликни, меҳмондўстликни, меҳрмуруватни ўз тасаввурлари бўйича ифодалашган. Майли, уларнинг қораламалари биз педагогларга оддий ва жўн бўлиб туюлсин, битта жиҳатдан ҳурсанд бўламан, бола ўз ёш ҳусусиятига кўра, яхшиликни англапти, эзгуликни ёвузликдан, маърифатни жаҳолатдан фарқламоқда.

«Мардлик» сўзига «мангулик» сўзи ҳамоҳангдир. Мардлик аслида ҳам мангуликка тенглаштирилади. Буюк аждодларимизнинг аъмоли, ҳаётий широри бўлган мардлик туйғуси абадий қолғай ва асло ўлмағай!

Хулкар ТҲИМАҒОВА

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Маълумотларга қараганда, сўнгги пайтларда поитахтимизда юқумли касалликлар, жумладан, гепатит, тери-таносил хасталиклари ва ҳатто, ОИТС билан касаллиши ҳолатлари учрамоқда. Фуқаролар бундай ҳолатлар юзасидан тиббий муассасаларга мурожаат этишмоқда. Айна пайтда бундай фактларнинг аксарияти шахримизнинг хусусий клиникаларида қайд этилмоқда.

Шу муносабат билан шу йилнинг 11 январиди ҳуқуқ-тартибот ва бошқа тегишли органлар томонидан поитахтимиздаги 25дан ортиқ хусусий клиникаларда текширувлар ўтказилди. Текширувларда шахар соғлиғини сақлаш бошқармаси, СЭС ва солиқ инспекцияси вакиллари иштирок этди.

Текширувлар натижасида тиббиёт муассасаларида беморларни даволашда

ғиёҳванд ва психотроп моддалардан фойдаланиш тартиб-қоидалари кўпол равишда бузилаётганлиги аниқланди. Хусусан, кўп ҳолларда уларни бериши қайд этиш дафтари мавжуд эмас, жароҳлик ва тез ёрдам бўлимларида фойдаланилган наркотик препаратлар ҳисоби юритилмаётти. Клиникаларнинг бирида ўтказилган текширув пайтида 126 та фойдаланилган ғиёҳвандлик моддалари ампулалари борлиги аниқланган, холбуки улар белгиланган тартибда йўқ қилиниши лозим эди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Кўпинча беморларни даволашда муддати ўтган дори-дармонлардан фойдаланилган. Қўлланиладиган тиббий асбоблар белгиланган санитария меъёр-

лари асосида стерилизация қилинмаётти. Айрим ҳолларда тиббиёт ходимлари томонидан бир маротабалик гигиеник қўлқоплардан фойдаланишга риоя қилинмаслиги ҳам аниқланди. Клиникаларнинг айрим тиббиёт ходимлари белгиланган тартибда режали тиббий куриқдан ўтмаган. Тегишли тиббий маълумотта эга бўлмаган шaxсларнинг ишга олиниши фактлари ҳам мавжуд.

Айрим клиникаларда тегишли лицензияларга эга бўлмаган ҳолда миждасари стационар тарзда даволаш амалга оширилмоқда. Муолажаларда фойдаланилган тиббий препаратлар зарарсизлангиримаслиги, тиббий асбоблар белгиланган тартибда стерилизация қилинмаслиги фактлари аниқланди.

Бундан ташқари, ўтказилган текширувлар натижасида деярли барча клиникаларда умумий миқдорда 1 млрд. 600 млн. сўм миқдоридидаги мабғаларни солиқдан яшириш, касса интизомига риоя этмаслик каби ҳолатлар ҳам аниқланган.

Давлатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш устувор вазифа эканини ҳисобга олган ҳолда ҳамда ўтказилган текширувлар натижаларидан келиб чиқиб, бу каби текширувлар бундан буён ҳам изчил давом эттирилади. Айна пайтда жараёнда аниқланган камчиликларга барҳам бериш ва бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижалари ҳақида кенг жамоатчилик мунтазам равишда хабардор қилиб борилади.

Ogoh bo'ling!



Шарқ мамлакатлари азал-азалдан бинокорлик борида замин аҳлига ўрнак бўлиб келади. Ахир аллоاملарнинг: "Нур — Шарқдан" дея қилган хитоби бежиз эмас. Осиёда ўтмишда ва бугунги замонга ҳамнафас тарзда қад ростлаётган саройлар, иморатларнинг меъморий ечимини кўриб, ҳар қандай одамнинг ақли шошади, ҳайрати ошади. Айниса, Хитойнинг ижодкор аҳолиси бу борада алоҳида кўзга ташланиб туради. Улар бир вақтлар ёв ҳужумидан ҳимояланиш учун сайёрамиздаги энг узун ва баланд истеҳком — "Буёқ Хитой девори"ни қуришганди. Буни қарангки, ортда қолган 2011 йилнинг ёзида улар дунёдаги энг узун кўприкни қуриб, фойдаланишга топширишди.

Циньдао — узунлиги ва ўзига хос декорациялари билан унганча рекордлар китобига киритилган Ханчжоу кўпригини ортда қолдирди. Келинг, дастлаб ана шу Ханчжоу ҳақида маълумот бериб ўта-миз.

Ушбу кўприк Шарқий Хитой денгизидидаги Ханчжоу кўлиги ҳамда Янцзи дарёсининг Цяньтан дельталари узра тортилган 36 километрлик "осмон йўли" сифатида доврў қозонганди. У Жахсин шаҳри шимоли билан Нинбо шаҳрининг жанубий қисмини боғлаган, юқоридан қараганда, лотинча "S" шаклини эслатувчи улкан иншоотдир. Маълумотларга кўра, бу кўприкнинг пайдо бўлиши туфайли Нинбодан Шанхай шаҳригача бўлган 120 километрлик масофа қисқарган. Пировардида транспорт воситаси ҳайдовчилари, йўловчилар манзиллариغا 2—4 соат олдинроқ етиб боришадиган бўлишди. Қолаверса, 120 км.лик йўл учун сарфланадиган ёнилғи ҳамда машиналардан чиқаётган захарли тўтун миқдори ҳам уч баробарга камайди.

Ханчжоу салобатини ўз кўзи билан кўрган кишини дастлаб ваҳима босиши мумкин. Бирок унинг устида автомобиллини 100 км./соат тезликда (ҳудуди ерда юргандек) ҳавф-ҳатарсиз елдиргач, ўзини денгиз устидан учиб кетаётган қуш каби ҳис қилади гўё... Олимларнинг айтишича, Ханчжоу кўприги яна бир аср мобайнида одамларга беминнат хизмат кўрсата оларкан. Фақат вақти-вақти билан реконструкция ишлари олиб боришга эҳтиёж туғилади.


Ханчжоу кўприги қурилишининг бош муҳандиси Ванг Йонгнинг таъкидлашича, бу кўприкнинг аҳамияти шу қадар каттаки, у фақат чинликларнинг оғирини енгил, узогини яқин қилибгина қолмай, балки дунё мамлакатлари, кўприксоzларни учун ҳам эталон вазифасини ўтайди. Кўприк ўта мураккаб шароитда қурилди: икки томонида ҳайқириб ётган денгиз, сайёрамизнинг энг кучли уч оқими ҳам айнан Ханчжоу "лойд"дан ўтади. Энг эътиборлиси шуки, денгиз суви туби-

даги тош, тупроқ қатлами бир хил эмас, шунингдек, Тинч океанига туташ денгизда тез-тез кучли тўфон содир бўлиб туради. Аммо шундай ноқулайликларга қарамай, инсоният Ханчжоу тимсолида асов сувни ҳам "жилов"лашга муваффақ бўлди.

қаро компанияси эса кўприк лойиҳасини чизди ҳамда "Ben C Gerwick" унинг кемалар ўтувчи махсус кўтарилган қисмларининг ҳимоя тизимини ишлаб чиқди. Кўприк ижодкорларининг айтишича, сув иморати Рихтер шкаласи бўйича 7 баллик ер қимирлашига ҳам дош бера олар экан.

36 км.лик узунликка эга кўприк ҳар бири 3,75 метрлик олти йўлакча(ўнг ва чап томонда) учтадан йўлакча мавжудга бўлинган. Кўприкнинг умумий кенлиги 33 метрни ташкил этган, у ер сатҳидан 62 метр баландликда "чиқиқ" торган.

Дунёнинг ҳозирги энг узун кўприги — Циньдао Гайвань кўпригининг қурилганига эса ҳали бир йил ҳам тўлгани йўқ. У улкан Цзяочжоу кўлиги ор-



ЦИНЬДАО — ДЕНГИЗ "ҲУКМДОРИ"

Ханчжоу кўприги бир деган-да юзага келиб қолган иншоот эмас, албатта. Уни қуришдан олдин дунёнинг 700 нафардан зиёд етук экспертлари 10 йилга яқин вақт мобайнида 120дан ортиқ техник тадқиқотлар ўтказди. Денгиз платформасини, унинг устидаги шамол йўналиши, тезлигини, сув таркибини ва бошқа табиий омилларнинг энг сўнгги таъмирлаш ишлари битказилди ҳамда 2009 йилдан унинг "қафти"да бир кун мобайнида 45 000—50 000 транспорт воситаси қатнови йўлга қўйилди.

Лойиҳани амалга ошириш учун жами 1,42 миллиард доллар сарфланди. Харажатга яраша қурилиш ишлари ҳам йирик қурилиш компаниялари жалб этилди: "China Railway Bridge Bureau Group Co. Ltd." компанияси кўприк қурилиши лойиҳаси бош пудратчиси эди, маслаҳатлар ва техник хизмат кўрсатиш борасида "Hardesty & Hanover, LLP" компанияси маддига танлиди, "Tu Lin" хан-

Bilasizmi?




қали Шаньдун провинциясига қарашли Циньдао шаҳридаги кўрфаз билан Хуандао ороларини боғлайди. Иншоотнинг узунлиги 42,5 километрдир. У шу жиҳатидан айни кунгача умумий узунлиги бўйича биринчи ўринда турган (сув устидаги кўприклар орасида) Лу-зиана штатидаги Пончартрейн кўлига ўрнатилган кўприкни ҳам "доғда" қолдирди.

XX асрда қурилган Пончартрейн кўприги Мандевилл ва Метайри шаҳарларини туташтиради. Кўприк икки параллел тортилган йўллардан иборат бўлиб, уларнинг узунлиги 38,42 км.(23.87 миль)дир. Уни ёнма-ён ўрнатилган 9000дан ортиқ бетон қозик-оёқлар тўтиб туради...

... Циньдао ҳам худди Ханчжоу каби олти йўлакчага бўлинган ва ундан кунига 30 000гача автомобиль у ёқдан бу ёққа ўтиши мумкин. Кенлиги 35 метр бўлган кўприкни жами 5 000та устун "елкаси"да мустаҳкам ушлаб туради. Шу каби омиллар боис у мутахассислар томонидан 8 баллик ер силкинишига чидамли, деб саналмоқда. Шунингдек, 300 000 тонна вазнга эга кема келиб урилса ҳам Циньдао жойидан қатм этмас экан.

лари ва кўприкнинг салобатини, денгизнинг "жонли" тўлқинларини кузатиши мумкин.

Ҳа, вақт ўтиши билан одамларнинг туши билан ўнги орасидаги фарқ йўқолиб бормоқда. Ҳар қандай иллюзия ёки хаёл бир зумда кўз олдимизда гавдаланиб турибди. Истасак, улкан тоғлар бағрини тешиб, йўл очяғмиз, истасак кемалар ҳам хавотирланиб қатнайдиган денгизлар бағрига "қулочга сигмас" темир-бетон тасмалар тортяпмиз. Инсон тафаккури




Ушбу замонавий меъморий услублар асосида ишланган кўприк мажмуаси туфайли йўловчилар айни кунларда 20 дақиқадан то бир неча соатгача қимматли вақтини тежашга муваффақ бўляпти. Манбаларда келтирилишича, Циньдаонинг қурилишига жами 2,3 миллиард доллар, 4 йил ҳамда 10 минг нафар ишчи кучи сарфланди. Циньдаонинг маълум масофаларида сунъий оролчав барпо этилди: улар қатнов жараёнини енгиллаштириш ва ҳавфсизлигини таъминлаш ҳамда узлуксизлигига хизмат қилмоқда. Масалан, оролчаларда сайёқлар тўхтаб, дам олиш-

шу даражада илгарилаб кетдики, куч ва масофани бир даврда иқтисод қилиш чоралари топиляпти. Ваҳоланки, механиканинг "олтин қоидаси"га кўра, кучдан ютиш масофадан ютказиш эвазига юз бериши керак эди... Уйлаймизки, ана шу кашфиётлар, ихтиролар туфайли яратилаётган қўлайлик ва ажойиб шарт-шароитлар заманимизнинг гуллаб-яшнаши, турмушимизнинг фаровонлашуви учун хизмат қилади. Зеро, тамаддулар доимо инсон шуури ва камолоти ўрта-сида "гавҳар кўприк" бўлиб келган, шундай бўлиб қолади.

Зоҳиджон ХОЛОВ

"АҚЛЛИ" КАМЕРА ИХТИРО ҚИЛИНДИ

"Халқаро истеъмолчилар электроникаси кўргазмаси(CES)-2012"да Polaroid компанияси Android дастури асосида ишлайдиган техника оламидagi биринчи "ақлли" камера — фотоаппарат ҳамда телефон гибриди — SC1630 қурилмасини тақдим этди, деб ёзди "Компьюлента" электрон нашри.



Усуқна ёрдамида кўнғироқларни амалга ошириш ва 16 мегапиксел ҳажмгача бўлган фотосуратларни тасвирга олиш имконияти мавжуд. Усуқнанинг орқа қисмида тасвирни уч баробаргача катталаштира олувчи оптик зум(zoom)га эга суриб чиқариладиган объектив жойлашган. Унинг олқ қисмини эса 3,2 дюймлик экран деярли тўлиқ эгаллаган.

Polaroid-қурилма Android дастурининг қайси талқини асосида ишлаши ҳақида компания маълумот бергани йўқ. Аммо PC World нашри хабарига кўра, сотувга чиқиб арафасида унга операцион тизимнинг 4-талқини ўрнатилди.

Усуқнада уяли алоқа модули, Wi-Fi, Bluetooth, GPS хизматлари, радио, шунингдек, microSD порти мавжуд. Ички хотира ҳажми — 512 мегабайт.

Океанортида машҳур Polaroid камера-телефон ишлаб чиқарётган ягона компания эмас. Шу услубдаги қурилмалар Panasonic томонидан ҳам ишлаб чиқарилиши режалаштирилмоқда.

10ТА ЭНГ ФОЙДАЛИ МАҲСУЛОТ

Америкалик диетологлар 2012 йилнинг энг фойдали маҳсулотлари рўйхатини тузиб чиқди. Экспертлар фикрича, ушбу рейтингда, антиоксидантлар, шунингдек, глюкоза ва фруктоза, йод, натрий, магний, марганец, цинк ҳамда А, В, В₂, В₆, К, РР, Е витаминларига бой бўлган помидорлар еттакчи ўринларда қайд этилди. Бу ангилликнинг тафсилотлари АiF.ги нашрида эълон қилинди.



Рўйхатдаги иккинчи ўринга С витаминига бой ширин қалампир, учинчи ўринга эса кўпглаб минераллар манбаи ҳисобланувчи мевалар муносиб топилди. Соя ёнғоқларининг фойдали хусусиятларини диетологлар алоҳида эътироф этишди: улар ёғсиз ва кам калорияга эга, бир вақтнинг ўзида аънанавий ёнғоқлар ўрнини босиши мумкин.

Кириб келган йилнинг энг фойдали маҳсулотлари рўйхатига, хусусан, ичак миклофлорасига ижобий таъсир кўрсатувчи йогуртлар (бешинчи ўрин) ҳамда саратон ҳужайралари билан фаол курашиш хусусиятига эга исмалоқ киритилди. Рўйхатнинг сўнгги қаторларидан фойдали ёғлар манбаи — зайтун ҳамда оксилга бой ёғсиз мол гўшти ва қизил балик (лосось) ўрин олди.

Бундан ташқари, диетологлар депрессия ва ёмон кайфият сабабчиси бўлган маҳсулотлар тартибини ҳам тақдим этишган. Унга кўра, тушқунликка мойил одамларга овқатланиш рационидagi кофе, ширинликлар, қизил гўшт микдорини камайтириш тавсия этилади. Аниқланишича, айнан шу маҳсулотлар асаб тизими ва кайфиятга ёмон таъсир кўрсатар экан.

ТЮЛЕНЛАР ХАВФ ОСТИДА

Музликларнинг эриши ҳайвонлар ўлими ҳолатларининг ортишига сабаб бўлиши мумкин. Шу муносабат билан Халқаро ҳайвонларни ҳимоя қилиш фонди 2012 йилда Канада ҳукумати туюлларни тижорий максadларда овлашни ман этишга чақирди. Бу ҳақда "ЭкоПрогресс" манбасининг хабариди айтилди.



Олдин ҳам океанортининг Дюк университети (Duke University) олимлари PLoS ONE журналда эълон қилинган тадқиқотда Арктика ва Атлантиканинг шимоллий қисмидаги исиш Гренландия туюлларини зурриёдларининг ўлимига сабаб бўлаётгани тўғрисида хабар беришганди. Мутахассислар изланишлари натижасида шуни исботлаш-



дики, сўнгги 32 йил ичида Шимоллий Атлантика океанидаги ҳароратнинг исиши муз қатламини қисқартириб, туюллар сонини ҳар ўн йилда 6 фоизга қисқартирмоқда. "Туюлдан олинadиган маҳсулотларга нисбатан талабнинг сусайганлиги териси ва гўшти учун жониворларни овлашни тўхтатиш ҳамда туюль овловчиларни ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларига ўтказиш жараёнини бошлаш учун етарли сабабдир", деб ёзилган халқаро фонд баёнотида.

ЭНГ МИТТИ ҚУРБАҚА

Папуа-Янги Гвинея чангалзорларида сайёрамиздаги энг митти қурбақа яшашини олимлар яқиндагина аниқлашди. Унинг узунлиги бор-йўғи 7 миллиметрни ташкил этади, дея хабар берди BBC News.

Тадқиқотлар давомида қурбақаларнинг Paedophryne amauensis турига мансуб деб топилган жонивор ҳажми у яшайдиган ҳудуд билан бевосита боғлиқ экани равшан бўлди. Мазкур умуртқалилар учун ўрмон тўшамалари бошлана вазифасини ўтайди. Қурбақаларнинг тўқ-кўнғир ранги уларни атрофдаги йиртқичлар кўзидан ҳимоя қилди ва уларни пайқаш жуда ҳам қийин.



Янги турнинг топиллиши тасодифий воқеа бўлди. Тунда қурбақаларнинг овозини ёзиб олиш учун ўрмонга отланган бир гуруҳ океанортилик олимлар оёқлари "остидан" чиқётган нотаниш товушларга эътибор қаратишди. Табиийки, қоронғуда товуш манбаини топа олмагач, ўрмон тўшамаларини полиэтилен халтачаларга жойлаб, лагерда ҳар бир баргни текширувдан ўтказишди ва миттигина жониворларни топилди.

Бу кашфиётгача энг кичкина умуртқалилар сифатида Бразилиядаги Brachycephalus didactylus олтин қурбақалари ҳамда Кубада яшовчи Eleutherodactylus iberia қурбақалари тилга олинарди. Бу турларнинг узунлиги 1 сантиметргача этади. Таъкидлаш керакки, Папуа-Янги Гвиненнинг ўзи ҳам олимлар томонидан тўла тадқиқ этилмаган ҳудуд ҳисобланади. Шу сабабли бу ерда яшайтган, бироқ ҳали фанга нотаниш жониворлар кўплаб учраши мумкин, деган тахмин бор.

ТАБИЙ ОФАТЛАР ЗАРАРИ

Munich Re (ГФР) қайта суғурталаш гуруҳи маълумотларига кўра, 2011 йилдаги табиий офатлар сайёра иқтисодийётига 380 миллиард доллар миқдорда зарар етказган. Хавотирли томони шундаки, бу 2010 йил кўрсаткичларидан икки маротаба кўп, деб ёзди Nature News нашри.

Рўйхат табиий офатлар сонининг сезиларли даражада ортганини кўрсатмоқда, аммо бу ҳолатнинг иқлим ўзгаришлари билан боғлиқлиги ҳозирча исботлангани йўқ. Иқтисодий зарарнинг деярли учдан икки қисми иқлим ва об-ҳавога умуман алоқаси бўлмаган иккита фалокат оқибатидади. Бу — март ойида Японияда содир бўлган магнитудаси 9,0 балга тенг zilзила ва унинг натижасида юзага келган цунами, шунингдек, нисбатан кичик, аммо ақл бовар қилмас даражада катта талафотларни келтириб чиқарган Янги Зеландиядаги 6,3 баллик zilзилладир.



Табиий офатлардан етadиган зарар миқдори кўп ҳолларда ижтимоий-иқтисодий сабаблар, аввало, аҳоли ва хавфли ҳудудлардаги уйлар сонидан келиб чиқади. Мазкур тахмин Munich Re билан ҳамкорликда тадқиқот олиб борайтган Лондон иқтисодийёт мактаби (Буюк Британия) мутахассислари Фабиан Бартел ва Эрик Ноймайер томонидан илгари сурилмоқда. 1990—2008 йиллар оралиғида содир бўлган табиий офатлар оқибатини ўрганган мутахассислар юқори хавф даражасига эга ҳудудларда тўпланган бойлик фалокатдан кейинги иқтисодий зарарнинг асосий омилли бўлиб қолади, деган хулосага келишди.

В. ҚАРШИБОЕВА тайёрлади.



Халқаро астрономлар гуруҳи тадқиқоти хулосасига кўра, тунда самодда кўринadиган ҳар бир юлдуз атрофида камида битта экзосайёра айланади, фақатгина бизнинг галактикамизда қарийб 10 млрд. Ер ҳажмига тенг сайёра мавжуд.

Роскосмос ташиқилоти олимларининг тахминий ҳисоб-китобларига кўра, ўтган йилнинг ноябрь ойида Марс сайёрасига учурилиши мумавфақиятсиз яқунланган Россиянинг "Фобос-Грунт" космик аппарати қолдиқлари жорий йилнинг 15 январь куни Ҳинд океанига тушиши мумкин экан.

АҚШда ўтган Халқаро электроника истеъмолчилари кўргазмасида тақдим этилган маълумотга кўра, Lenovo и Motorola Mobility фирмаси ўзининг Android-смартфон мобил аппаратларига Intel компаниясининг янги процессорларини ўрнатиш лицензиясини қўлга киритган.

Хитойлик эксперт олимлар гуруҳи тадқиқотлари натижасига кўра, интернетга боғланиб қоладиган одам миқсидида худди ичкилик ёки гиёҳванд моддаларга муккасидан кетганда юз берадиган ўзгаришлар кузатилаётган.

Америкалик биолог олимлар ўргимчак гени ва ипак толасини биринчи марта бир-бирига улаш орқали жуда муштаҳам ипак толасини ҳосил қилишди.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги 9-мактаб томонидан 1989 йилда Беркинбаев Талгат Қарабаевич номига берилган 774025-рақамли умумий ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши Тошкент автомобиль-йўллар институти проректори Носирхон Акбаровга онаси **МАЪРИФАТХОН** аянинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридagi Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази жамоаси бош мутахассис Матлуба Эшпўлатовага воледаи муқтарамаси **Чинниҳон ПИРНАЗАРОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Учтепа тумани халқ таълими мурасасалари фаолиятини методик ташкил этиш ва таъминлаш бўлими ва Таълим, фан ва маданият ходимлари туман бирлашган қасаба уюшма қўмитаси жамоаси 116-мактабнинг собиқ ўқитувчиси, Халқ таълими аълочиси **Тўйчи АҲМАДҚАБИРОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги "Ижтимоий химоя йили дастури тўғрисида"ги ПК-573-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги "Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 409-сонли ҳамда 2002 йил 25 январдаги "Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастури тўғрисида"ги 33-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги 1475-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори талаблари асосида, 2012-2013 ўқув йилида 1-синфга қабул қилинадиган ўқувчилар ва касаллиги туфайли яқка тартибда уйда таълим олаётган ногирон болалар учун ўқув қуроллари харид қилиш

ҚАЙТА ОЧИҚ ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мазкур тендер савдолари очик турда ўтказилиб, унда мулкчилик шаклидан қатъи назар 1-синф ўқувчилари ҳамда яқка тартибда уйда таълим оладиган ногирон болалар учун ўқув қуроллари ишлаб чиқариш ва буюртмачига сифати ва баҳоси жиҳатидан маъқул тарзда етказиб бериш имкониятига эга барча кичик бизнес субъектлари — юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Тендер савдоларида куйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайдилар:

туғатилиш, қайта ташкил этилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлганлар;

ўз муддатида ва ўрнатилган тартибда саралаш босқичи учун керакли бўлган барча зарур ҳужжатларни тақдим этмаганлар;

Халқ таълими вазирлиги ва "Ўқув таълим-таъминот" давлат унитар корхонаси билан аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаганлар ва бажармай келаётганлар;

мазкур эълон нашр этилган санага қадар 6 (олтин) ойдан кам муддат ичида ташкил топган корхона ва ташкилотлар;

Халқ таълими вазирлиги ва "Ўқув таълим-таъминот" ДУК билан суд ёки арбитраж жараёнларини бошдан кечираётганлар;

Тендер комиссиясининг тижорий ва молиявий талабларига жавоб бермайдиганлар.

Тендер таклифлари (конвертлар) очилгунига қадар, Тендер комиссияси ва Тендер комиссияси топшириғига асосан Тендер комиссияси Ишчи органи томонидан тендер савдоларида иштирок этиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар саралаш босқичидан (квалификационный отбор) ўтказилади.

Бунда талабгорлар Тендер комиссиясининг Ишчи органига тендер таклифи билан биргаликда куйидаги ҳужжатлар тўпламини алоҳида (папкада) тақдим этишлари лозим:

Талабгор — Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотлари учун:

ходимлари сони ва талабгорнинг кичик ёки йирик биз-

нес субъектларига тегишлилиги тўғрисида давлат солиқ инспекциялари томонидан берилган маълумотнома;

маҳаллий монополиядан чиқариш, рақобатни ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш органларидан талабгор банкрот ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

маҳаллий Давлат рўйхатида олувчи органлардан талабгорнинг туғатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома; талабгорнинг юридик шахс сифатида Давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома-нинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

Давлат солиқ инспекцияси ва талабгор ўртасида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги мажбуриятлар бўйича ўрнатилган тартибда расмиёлаштирилган солиштирув - далолатномасининг (кенгайтирилган) асл нусхаси (мазкур ҳужжат эълон нашр этилган санадан кейинги ҳолатга тақдим этилиши лозим);

талабгорга хизмат кўрсатувчи банкнинг талабгорнинг ҳисоб рақамларида картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи тегишли маълумотнома (мазкур ҳужжат эълон нашр этилган санадан кейинги ҳолатга тақдим этилиши лозим);

талабгорнинг Ишчи органига тендер таклифига мос маҳсулот намунасини тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси;

талабгорнинг Тендер ҳужжатлари тўплами(китоби)ни сотиб олиш учун тўловини тасдиқловчи тўлов топшириқномасининг асл нусхаси.

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИР кўрсатилган бўлиши шарт.

Талабгор — хорижий корхона ва ташкилотлар учун:

талабгор - корхона тўғрисида халқаро масштабдаги аудитор компания хулосаси (ҳисоботи, изоҳ-тушунтириш хатини илова қилган ҳолда). Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг тегишли консуллик ташкилотлари ва ваколатхоналарида легаллаштирилган бўлиши шарт;

талабгорнинг юридик шахс сифатида Давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома-нинг нотариал тасдиқланган нусхаси (мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг тегишли консуллик ташкилотлари ва ваколатхоналарида легаллаштирилган бўлиши шарт); талабгорнинг Ишчи органига тендер таклифига мос маҳсулот намунасини тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси;

талабгорнинг Тендер ҳужжатлари тўпламини сотиб олиш учун тўловини тасдиқловчи тўлов топшириқномасининг асл нусхаси.

Саралаш босқичи тендер таклифларини қабул қилишнинг охириги санасидан бошлаб 20 кун муддат ичида ўтказилиши кўзда тутилади.

Агар тендерда республика-миздаги ишлаб чиқарувчи корхоналар билан бирга импорт товарлари етказиб берувчи хорижий корхоналар иштирок этганда, қонунчилик билан ўрнатилган тартибда республика-миздаги ишлаб чиқарувчи корхоналарга 20 фоизгача миқдорда нарх имтиёзлари берилади.

Тендер савдоларида голиб деб топилган корхона ва ташкилотлар "Ўқув таълим-таъминот" ДУК билан имзоланган шартномалар бўйича барча мажбуриятларини шартномада келишилган муддатлар ичида бажаришлари талаб этилади.

Тендер савдоларини ўтказиш жараёнлари ва тартиби, харид қилинадиган маҳсулотларнинг миқдори ва юқори нархи ҳақида кўшимча маълумотни олиш истагида бўлган талабгорлар, Тендер комиссиясининг Ишчи органи хисобланган "Ўқув таълим таъминот" ДУКга эълон нашр қилинган санадан бошлаб (ҳафтанинг шанба ва яқшанба кунларидан ташқари) ҳар кун соат 10:00дан 17:00га қадар куйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Ишчи орган манзилгоҳи: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 3-берк кўча, 92-уй. Тел: (+99871) 267-01-83; 267-74-50; 267-28-70. Факс: (+99871) 267-71-16.

Бундан ташқари, мазкур тендер савдолари ва харид қили-

надиган маҳсулотларнинг миқдори, юқори нархи ҳақидаги маълумот 2011 йил 8 декабрдаги "Маърифат" газетасининг 97 (8434), "Ўзбекистон овози" газетасининг 144-145 (31.421), "XXI АСР" газетасининг 49-(421) сонлари ҳамда Халқ таълими вазирлигининг www.uzedu.uz электрон сайтдан олиш мумкин.

Тендер ҳужжатини сотиб олиш истагида бўлган талабгорлар Ишчи органининг куйида келтирилган махсус ҳисоб рақамига 350 000 (уч юз элик минг) сўм миқдорда қайта қопланмайдиган пул маблағларини пул ўтказиш йўли билан тўлаганларидан сўнг олишлари мумкин.

Ишчи орган банк реқвизитлари: Ҳисоб рақами № 20210000700101561002 АТИБ "Ипотека" банки, Мехнат бўлими, МФО: 00423 ИНН 200524742, ОКОНХ 71100.

Барча тендер таклифлари Тендер ҳужжатининг 12.1-бандига мувофиқ, тендер таклифи суммасидан 3 (уч) фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат суммаси билан бириктирилган бўлиши шарт. Закалат суммаси ҳар бир маҳсулот тури бўйича алоҳида, шунингдек, тендер таклифларини топширишнинг охириги кунигача ўтказилган бўлиши талаб қилинади (барча тўловлар сўмда амалга оширилади).

Закалат суммаси билан бириктирилмаган тендер таклифлари Тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Тендер таклифлари 2012 йил 14 февраль соат 15:00дан кечиктирилмаган ҳолда юқорида кўрсатилган манзил бўйича Ишчи органига тақдим этилиши лозим (шанба ва яқшанба кунларидан ташқари).

Тендер таклифлари (конвертлар)нинг очилиши Тендер комиссияси томонидан аниқланган жойда ва санада амалга оширилади. Бу ҳақда талабгорга Тендер комиссиясининг Ишчи органи томонидан кўшимча хабар қилинади.

Тендер таклифлари(конвертлар) очилишида талабгорлар вақиллари иштирок этишлари мумкин.

ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ БОШЛАНДИ

Маълумки, "Умид ниҳоллари-2009" спорт мусобақаларининг республика финал босқичига Сирдарё вилояти мезбонлиги қилган ҳамда ўшанда вилоятнинг спортчи ёшлари умумжамоа ҳисобида кучли учликни забт этганди. Ушбу ҳолат вилоятлик спортчиларнинг мазкур йилда Навоий шахрида бўлиб ўтadиган навбатдаги "Умид ниҳоллари" спорт мусобақасида ҳам фаол иштирок этиб, юқори ўринларни банд этишга ундамоқда, рағбатлантирмоқда.

Вилоят ҳоқимлиги томонидан "Умид ниҳоллари-2012" спорт мусобақаларининг республика финал босқичида вилоят терма жамоасининг иштирокини таъминлашга тайёргарлик кўриш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар режаси қабул қилинган ва тайёргарлик ишлари мазкур режага асосан амалга оширилмоқда.

— "Умид ниҳоллари-2012" спорт мусобақаси ёш авлодни жисмонан бақувват, маънан бой қилиб тарбиялашда катта аҳамиятга эга. У ўз номига монанд мактаб ёшидаги ёш ниҳоллар — ўқувчиларнинг иқтидорини рўёбга чиқарувчи, уларнинг спортнинг катта ареналарига йўл олишлари учун пилла-олаш вазифасини ўтайди, — деди "Ёшлик" жисмо-

ний тарбия ва спорт жамияти раиси ўринбосари Қаҳрамон Йўлдошев. — "Умид ниҳоллари" мусобақасининг 1-, 2-, 3-босқичларини юқори савияда ўтказиш мақсадида вилоят терма жамоасининг фаол иштирокини таъминлаш ҳамда ўқувчиларимиз спорт турлари билан мунтазам шугулланишлари учун малакали мураббийлар жалб этилган. Мусобақалар асосида терма жамоа таркиби шакллантирилмоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакики, вилоятдаги 302та мактабда 114 115 нафар ўқувчи таълим-тарбия олаётган бўлса, "Умид ниҳоллари-2012" спорт мусобақасининг дастлабки босқичида 66 634 нафар йилгит-қиз иштирок этиди. Катнашчиларнинг

31 061 нафарини қизлар ташкил этиди.

Худудий босқич мусобақалари якунида вилоятимиз туманларидаги иқтидорли спортчилар яққол кўзга ташлана бошлаяпти. Қолаверса, мусобақалар давомида янги номлар, умидли ўсмирлар сони ошмоқда. Худудий босқичда мусобақалар 5та худудга бўлинган ҳолда олиб борилди. Унда туман ва шаҳарларнинг 59та мактаби голиблик учун курашди. Бу босқичда 1668 нафар ўсмир иштирок этган бўлса, уларнинг 630 нафари қизлардир.

Вилоятда болаларнинг спорт билан мунтазам шугулланишлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Спорт мусобақалари энг яхши жиҳозланган ўйингоҳ ва спорт мажмуаларида ўтказилмоқда. Масалан, енгил атлетика Гулистон шаҳар марказий ўйингоҳида, сузиш Гулистон шаҳридаги 4-ТИП, бадий гимнастика вилоят марказидаги "Алпомиш" спорт мажмуасида, қолган спорт турлари бўйича ташкиллаштирилган бешлашувлар вилоятдаги болалар ва ўсмирлар спорт мак-

табларида кўтаринки руҳда ўтказилмоқда.

Мусобақанинг вилоят босқичи "Умид ниҳоллари-2012" мусобақасининг республика босқичида иштирок этувчи умидли ёшларни аниқлаш учун энг сўнгги — ҳал қилувчи палладир. Шу нуқтаи назардан ёндашганда, вилоят терма жамоаси аъзоларини спорт анжумали билан тўлиқ таъминлаш, ўқув машғулотларини ўтказиш учун Гулистон давлат университети ва вилоят марказидаги касб-хунар коллежлари ўқув хоналари ҳамда ётқонхоналаридан фойдаланиш, ҳар бир жамоага ҳомий ташкилотларни бириктириш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш вазифалари белгилаб олинди.

Ҳа, юқорида таъкидлаганимиздек, вилоятимиз терма жамоаси "Умид ниҳоллари-2009" спорт мусобақасида умумжамоа ҳисобида 2-ўринни қўлга кiritганди. Сирдарёлик спортчиларнинг бу йилги мақсади ана шу юқори погонани сақлаб қолишга қаратилгандир.

Б.АБДУЛЛАЕВ
Сирдарё вилояти



"ВАЛЕНСИЯ" ЕНГИЛДИ, БИРОК...

Испания кубогининг нимчорак финалида "Севилья" футболчилари ўз майдонида "Валенсия" устидан 2:1 ҳисобида устунликка эришдилар. Бирок, икки ўйин натижасига кўра, "Валенсия" мусобақанинг чорак финалига йўлланма олди.



Шунингдек, январь ойининг ўзида Испания кубоги мусобақалари доирасида "Реал" ва "Барселона" клублари қарама-қаршиликдаги "эль-классико"га гувоҳ бўлмади.

Англия лигаси кубоги ярим финалида эса "Манчестер Сити" ўз майдонида "Ливерпуль"га 0:1 ҳисобида енгилди. Уйида пенальтидан урилган ягона голга "қизиллар" жамоаси сардори Стивен Жеррард муаллифлик қилди. Жавоб матчи 25 январь кuni "Ливерпуль" майдонида ўтказилди.

Италия кубоги баҳсларининг "Рома" мезбонлигида ўтказилган нимчорак финал учрашувида "Фиорентина" 3:0 ҳисобида имкониятни бой берди. Чорак финал баҳсида римликлар "Ювентус" билан куч сынашди.

Франция кубогининг чорак финалида эса "Лион" ўз уйида "Лилль" жамоасидан 2:1 ҳисобида устун келди. Бундан кўриниб турибдики, эндиликда "Лион" ва "Ницца", "Лорьян" ва "Марсель" жамоалари ярим финалда ўзаро куч сынашди.

ФРИСТАЙЛ СИНОВЛАРИДА

Франциянинг Альп-д'Ювез шахрида фристайл бўйича жаҳон Кубоги баҳсларининг навбатдаги босқичи якунига етди. Унда словениялик Филип Флисар голибликка эришди.

Финал босқичида 24 ёшли спортчи канадалик Кристофер Дельбоскони орта қолдириб биринчиликни қўлга киритди.

Учинчи ўрин швед спортчиси Ларс Левенга nasib этиди.

Жаҳон кубогининг аёллар ўртасида келган баҳсида энг яхши натижани швейцариялик Санна Люеди қайд этиб, шоҳсўлага кўтарилган бўлса, фахрли иккинчи ўринни канадалик Маризель Томпсон эгаллади.

Австриялик Андреа Лимбахерлар эса бу сафар учинчи ўрин билан кўйорлянди.

"КАМАЗ-МАСТЕР"ДА ЯНГИ НОМ

"КАМАЗ-мастер" жамоаси автопойгачиси Андрей Каргинов ҳам "Дакар" юк машиналарини ралли-рейди 11-босқичида голибликка эришди.



Каргинов белгиланган масофани 3 соат, 52 дақиқаю 50 сонияда босиб ўтди. Neco аъзолари Ханса Стейси 3,03 ва Мики Бьязон 5,02 дақиқага голибдан ортада қолиб, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллади. Шунга қарамай, Каргинов умумий ҳисобда пой-

ганинг энг юқори погонасида турган Жерар де Ройдан (Neco) 2 соат 30 дақиқага ортада қолиб, тўртинчи ўринда турибди.

Мусобақанинг сўмоқ йўлларида ўтказилган босқичида француз пойгачиси Стефан Петрансель (Mini, 3 соат 56 дақиқа 15 сония)га тенг келадигани топилмади.

Аргентиналик Александро Патронелли (Yamaha) эса квадроцикл пойгасида, француз пойгачиси Сириль Делпре мотопойгада биринчи ўринни банд этиди.

ФИШ ВА ТОМИЧ — ФИНАЛДА

Америкалик теннисчи Марди Фиш ҳамда австралиялик Бернард Томич "Australian Open" мусобақаси олдидан ўтказилган кўрғазмалы турнир (Куйонга шахри) финалида куч сынашадиган бўлишди.

Дунё теннисчилиги рейтингинида саккизинчи ўринда турган Фиш ярим финал учрашувида австриялик Юрген Мелцер устидан 6:2, 4:6, 6:1 ҳисобида устунликка эришди. Бу матчида сал аввал Уимблдон-2011 мусобақасида чорак финалгачаси етиб борган 19 ёшли Томич эса франциялик Гаэль Монфис устидан 6:4, 4:6, 7:6 (7:2) ҳисобида зафар қўчди.

Испаниялик теннисчи Давид Феррер Окландда (Янги Зеландия) ўтказилган, умумий ютуқ жағғармаси 400 миң долларни ташкил этувчи теннис турнири ярим финалида ватандош Фернандо Вердаско устидан 6:3, 6:4 ҳисобида ғалаба қозонди. 1 соат 30 дақиқа давом этган учрашувда голибликни қўлга киритган Феррер финалда бельгиялик Оливье Рохус билан курашди.

"Australian Open-2012" мусобақаси Мелбурн шахрида, 16-29 январь кунлари ўтказилди.

Ш.НАРУЛЛАЕВА тайёрлади.

ТАФАККУР ЎЙИНИДА САРАЛАНГАНЛАР

Кишида фикрлаш, мантиқий мушоҳада юритиш ва ақлий етуқликни шакллантиришга хизмат қилувчи шахмат бугунги кунда дунё ахлини ўзига тобора кўпроқ жалб қилиб келмоқда. Тафаккур ўйинини юртимизда кенг тарғиб этиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ақлий ва мантиқий фикрлаш доирасини янада ривожлантириш мақсадида кўплаб мусобақалар ўтказиб келинмоқда.

Яқинда пойтахтимизда ўтказилган анъанавий "Янги йил" болалар шахмат турнирида юз нафардан зиёд ўғил-қиз голиблик учун куч сынашди. Айтиш мумкинки, бу галги мусобақа ҳам аввалгилари сингари кўплаб ёш истеъоддорларни кашф этиди.

Ўзбекистон шахмат федерацияси томонидан ўтказилган турнирнинг "А" гуруҳи беллашувларида республика рейтингига эга ўн тўрт ёшгача бўлган эллик нафарга яқин шахматчи иштирок этиди. Улар

орасида халқаро тажрибага эга ёш шахматчилар ҳам борлиги кишини қувонтирмай қолмайди. Яқинда Ҳиндистонда мактаб ўқувчилари орасида ўтказилган Осиё чемпионатининг саккиз ёшгача бўлган ўғил болалар баҳсида олтин медални қўлга киритган Нодирбек Абдусатторов бу гал ҳам голиблик шохсўпасини эгаллади.

Мусобақа давомида тўққиз партия ўйин ўтказган Нодирбек етти учрашувда рақибларини мот қилиб, икки марта дуранг натижа қайд этиди. Ёш

шахматчи жами саккиз очкога эгалик қилиб, турнир голиби бўлди.

Мусобақада Артём Григорев ва Фотиҳ Абдухолиқов кучли учликни яқунлаб беришди.

Ўн ёшгача бўлган ўғил-қизлар дона сурган "Б" гуруҳи вакиллари ҳам мусобақанинг кизгин ва муросасиз кечиниши таъминлашди. Мазкур гуруҳда голиблик Асадбек Эгамбердиевга nasib этиди. Иккинчи ўринга Лазизбек Нурмухаммадов, учинчи ўринга эса Шерзод Бекмуродов лойиқ топилди.

— Мен мазкур мусобақада аввал ҳам иштирок этганман. Бу гал кўзда ўтказилган турнирдигидан бир ярим очко кўп жағғардим, — деди биз билан суҳбатда Муҳаммадбобур Маҳмад-райимов. — Ғалабага эришмаган бўлсам-да, мусобақада қатнашганимдан хурсандман. Кейинги сафар, албатта, устозларим, ота-онам юзини ёруғ қиламан.

Шаҳина ЖўРАЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

3-dars

МАВЗУ: ШОҲНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ

Sport saboqlari




Мураббий:
Эсон АЛИ


Шоҳмат доналарининг орасида шоҳ энг асосийси, энг муҳими ва энг аҳамиятлиси. Шоҳнинг тахтасида доналар кам қолган ҳолда ҳам ўйин давом этаверади, аммо ўйинда шоҳ қатнашиши лозим. Шоҳ қатнашмасида ўйин ҳам бўлмайди. Шунинг учун ўйин пайтида ҳамма шоҳмат доналари шоҳни ҳимоялашда ва қўриқлашда.

Шоҳ ҳам ҳаракатланади. У фақат ўзининг ёнидаги хонага юра олади (1-расм). Шоҳнинг ёнида ўзининг рангидаги шоҳмат донаси бўлса шоҳ у хонага юра олмайдди. Ёнида турган рақиб донасини шоҳ уриб олиши мумкин.


Шоҳ рақиб донасининг ёнида бўлса ҳам, рақиб донасининг ҳужум йўлида бўлмаслиги лозим (2-расм). Рақибнинг руҳи b3 хонада жойлашган, унинг ҳужум йўллари a3, c3, d3, b2, b1 ва b4 хоналарга



1-расм



3-расм



2-расм

тўғри келади. Оқ рангдаги шоҳ c2 хонада жойлашган. Бу хона рақиб руҳининг ҳужум йўлига тўғри келмайди, шунинг учун ҳам шоҳ руҳ билан ёнма-ён туриши мумкин.

Оқ рангдаги шоҳ рақиб шоҳи билан ёнма-ён тура олмайдди. Шоҳларнинг орасида камчида бир хона бўлиши керак (3-расм).

Келгуси дарсимизда пиёдининг фарзинга айланиши ҳолати билан танишамиз.




«ЎЗБЕКИСТОН»

НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ



жамоаси мамлакатимиз Қуролли кучлари зобитлари, барча хизматчиларини 14 январь Ватан ҳимоячилари куни, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг 20 йиллиги билан қизгин муборакбод этади! Ватанимиз сарҳадлари тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз ҳаёти осойишталиги йўлида сергак ва собитқадам бўлинг! Мардлик ва жасорат ҳамиша Сизларга йўлдош бўлсин!



2012 йил — «Мустақкам оила йили»да жаннатмакон юртимиздаги ҳар бир оилага илм-маърифат зиёси бўлмиш янги китобларимиз кириб борсин.



Ma'rifat

ТА'СИС ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими
вазирлиги, Ўзбекистон Олий
ва о'рта махсус та'лим
вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим, сан ва
маданият ходимлари
касба уюшмаси
Markaziy Kengashi.

Бosh муharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Тahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV,
Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor
DONIYOROV, Bahodir JOVLIYEV
(bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib),
Mahmuda MURZAYEVA, Husan
NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari),
Nurlan USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"),
Aleksy CHUKARIN (mas'ul kotib,
"Учитель Узбекистана"), Sa'dulla
NAKIMOV.

Gazeta
Ўзбекистон Matbuot va axborot
agentligida № 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



9 772010 641009

INDEKS: 149, 150. G-118.

Tiraj: 55361.

Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir
qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib — 233-99-15, umumiy
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-
53-16, fax, o'ly va o'rta ma'xsus, kasb-hunar ta'limi
yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat,
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-
54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari
bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport
yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Liliya BINASHEVA.
Navbatchi muharrir:
Dilshod KARIMOV.
Navbatchi: Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxonada manzil: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

U'sha axborot — 22.00
Topshirildi — 22.45